Мамлакатимиз аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, шу йўналишдаги маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини янада оширишимиз зарурлиги давр талабига айланиб бормоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2022-yil
27-aprel
chorshanba
№ 16 (1288)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

“ЛАЗГИ” ХАЛҚАРО РАҚС ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли фестиваль қатнашчилари!
Қадрли меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Муҳтарам санъат шайдолари!

Аввало, сиз, азизларни кўҳна Хоразм заминида биринчи бор ташкил этилаётган йирик санъат ва нафосат байрами – “Лазги” халқаро рақс фестивалининг очилиши билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига ҳам самимий миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Маълумки, ҳар бир халқ ўзининг кўп асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий мероси билан ҳақли равишда фахрланади. Шу маънода, улкан маънавий хазинамиз ҳисобланадиган бой ва ранг-баранг ўзбек рақс санъати халқимизга хос нафосат ва гўзаллик, эзгу орзу-интилишлар ёрқин мужассам топгани билан катта аҳамиятга эгадир.

Миллий рақс санъатимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллайдиган, таъбир жоиз бўлса, унинг гултожи бўлган “Лазги” рақси ўзининг чуқур ҳаётий фалсафаси, бетакрор ижро усули ва жозибаси билан нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кенг шуҳрат қозонган.

Маълумотларга кўра, халқимизнинг бадиий даҳоси билан яратилган ушбу санъат мўъжизаси уч минг йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган. Унинг пайдо бўлиши ҳақида турли афсона ва ривоятлар мавжудлиги ҳам шундан далолат беради.

Неча юз йиллар давомида халқимизнинг эстетик тафаккур олами, анъана ва қадриятлари билан ҳамоҳанг тарзда “Лазги” рақсининг бир неча йўналиш ва турлари вужудга келиб, у мукаммал санъат асарига, яхлит хореографик мажмуага айланган.

“Лазги” рақси ўзининг беқиёс сеҳри, жозибаси ва таровати билан дунё саҳналарини ҳам забт этиб, турли миллат ва элатларни бирлаштирувчи таъсирчан санъат воситаларидан бири сифатида тобора севимли бўлиб бормоқда. ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан 2019 йил 12 декабрда Хоразм “Лазги” рақси Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани ҳам буни тасдиқлайди.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатнинг барча соҳалари қатори миллий рақс санъати турларини асраб-авайлаш ҳамда бу йўналишдаги ижодий мактабларга хос бўлган ноёб анъаналарни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда, 2020 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бу борада муҳим амалий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, ўз даврида бутун дунёда ўзбек миллий рақс санъатининг рамзи сифатида ном қозонган Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” рақс ансамблининг қайта ташкил этилиши маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда миллий рақс санъати, хусусан, “Лазги” рақсининг жаҳон маданиятида тутган ўрнини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, унинг маҳоратли раққосаларини тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда, юртимизда Хореография академияси тузилиб, ушбу ноёб санъат масканининг фаолияти мутлақо янгича асосда ташкил этилди.

Шу билан бирга, рақс санъати йўналишида узлуксиз таълим тизими жорий қилиниб, барча мактабгача таълим ташкилотларида хореография санъатидан дарс бериш йўлга қўйилмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида рақс синфларининг сони кўпайтирилгани, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилгани ҳам бу соҳада янги истеъдодларни кашф этиш ва тарбиялашда пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда кўп йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган машҳур “Лазги” ашула ва рақс ансамблини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва санъаткорларга зарур шароитлар яратиб бериш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Айниқса, ўтган йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида германиялик санъаткорлар билан ижодий ҳамкорликда саҳналаштирилган балет-спектакль орқали “Лазги” рақсининг қадимий тарихи ва жозибаси гўзал бадиий талқинда очиб берилди. Мазкур асар нафақат мамлакатимиз томошабинлари, балки чет эллик санъат ихлосмандлари томонидан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Жорий йилдан бошлаб Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба “Лазги” халқаро рақс фестивалининг ўтказилиши ушбу ноёб санъат турини асраб-авайлаш ва ҳар томонлама тарғиб қилиш, шу асосда халқаро маданий алоқаларимизни янада кенгайтириш борасида катта имконият яратиши шубҳасиз.

Бугун тантанали равишда очилаётган ушбу фестивалга 30 та давлатдан 175 нафардан зиёд рақс санъати усталари, профессионал рақс жамоалари, санъатшунос олимлар, маданият соҳасининг таниқли намояндалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюргани ҳам юртимизга ва санъатимизга бўлган қизиқиш қай даражада юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

Миллий рақс санъатимизнинг тарихини, унинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш ва ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Фестиваль доирасида ташкил этилаётган “Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатидаги ўрни” халқаро илмий-амалий конференцияси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, конференция ишига муваффақиятлар тилайман.

Қадрли фестиваль қатнашчилари!

Бугун қадимий ва улуғвор Хива шаҳрида сизларнинг иштирокингизда эзгу орзу ва ниятлар билан бошланаётган “Лазги” халқаро рақс фестивали келгусида дунёдаги нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин олади, деб ишонаман.

Ана шу йўлда барчангизга мустаҳкам соғлик-саломатлик, ижодий парвозлар, янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҲИДОЯТ

Фазилатда тенгсиз ой

Яратганга беадад шукурлар бўлсинки, жисман ва руҳан поклониш ойи бўлган моҳи рамазон — ойларнинг султони яъни муборак рўза ойи ҳам якунланишига саноқли кунлар қолди.

Ўтган улуғларимиз ушбу ойга интиқ бўлишар, ҳатто ойлар давомида: *“Ё Аллоҳ, бизни Рамазонга етказ!”*, деб илтижо қилишар эди. Рамазон келиб, унинг ҳар лаҳзасини эзгу амаллар учун захира қилишгач, яна бир неча ойлар давомида: *“Ё Аллоҳ, Рамазондаги амалларимизни қабул эт!”*, дея дуо қилишарди.

Хўш, бундай фазилатли онларни оламларга раҳмат Пайғамбаримиз қандай ўтказганлар?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазонни катта хурсандчилик билан қарши олар эдилар. Тайёргарликни Шаъбон ойи рўзасини тутишдан бошлар эдилар. Муборак ой келгач, саҳобаларга унинг фазилатлари ҳақида сўзлаб берар, кеча ва кундузларни ғанимат билишга ундар эдилар. Рўзага доир шаърий ҳукмларни баён қилиб борар эдилар.

Саҳарликда бир нечта хурмо ёки оз миқдорда таом ва сув билан чекланар эдилар. Шунингдек, саҳарлик вақтини бомдодга қадар кечиктирар эдилар. У зот алайҳиссалом *“Саҳарлик қилинглар. Албатта, саҳарликда барака бордир”* (Имом Бухорий ривояти), дер эдилар.

Саҳарликдан сўнг эллик оят тиловат қилгулик вақт миқдорида намоз ўқир, азон айтилгач, бомдоднинг суннатини уйларида ўқиб, фарзини масжидда адо этар эдилар.

Масжидда қуёш чиққунига қадар зикр қилар, қуёш кўтарилиб, тахминан йигирма дақиқа ёки ундан кўпроқ вақт ўтгач, икки ракат намоз ўқир, мана шу суннатларни амалга оширган кишига ҳаж ва умра савоби берилишини айтар эдилар.

Рамазон рўзаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилганларининг иккинчи йилида Шаъбон ойидан икки кеча ўтганидан сўнг душанба куни фарз қилинди. Бу милодий 623 йилнинг 7 февралига тўғри келса керак, валлоҳу аълам.

Шаъбон ойи тугаши билан Пайғамбар алайҳиссалом бошлиқ мусулмонлар илк Рамазон рўзасини тута бошладилар. Бу кунлар жуда иссиқ эди. Рамазон каломининг маъноси ҳам “жуда иссиқ”, “куйдирадиган иссиқ” деганидир. Шояд, Рамазонда рўза тутганларнинг гуноҳлари куйиб йўқ бўлса!

Муборак Рамазон ойининг фазилатлари, рўзанинг нақадар савобли амал эканлиги хусусида Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган “Ислом Ота” масжиди имом хатиби Йўлдошали КАРИМОВ билан суҳбатлашдик.

3 - б.

НУҚТАИ НАЗАР

ГАЗЕТА Нега КЕРАК?

Таассуфки, бугун журналистларни тинглаш эффекти етишмаяпти, деб айтишга мажбурмиз. Бутун бошли вазирликлар биз кўриб турган муаммолар (аслида уларнинг муаммолари) бўйича айтилаётган жўяли таклифларга жавоб беришга қодир эмаслар. Ҳа, айнан қодир эмаслар! Бундан бошқа сўзни айтолмайман.

4 - б.

ЁД ЭТИБ

УЗОҚЛАР ОЛИС ЭНДИ...

Ёқубжон Хўжамбердиевни ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида таниган эдим. Самимий ва мулоҳазали, қалами ўткир журналист сифатида унга ҳавас қилардим. Республикамизнинг марказий газеталари таҳририятлари жойлашган Матбуотчилар кўчасининг 32-уйи ҳам у пайтлар бошқача, файзли эди. Бир эшикдан кириб чиқадиган ҳамкасблар ўзаро оқибатли, бир-бирларига елкадош, улар ўртасидаги ижодий мулоқотлар жуда самимий бўларди. Ёши улуғ, тажрибали журналистларнинг олдидан кесиб ўтолмасдик. Улар ҳам ўз навбатида биз каби ёш журналистларга меҳрибон эди. Ёқубжон ака ҳам бағрикенг, шогирдларига жуда ғамхўр ижодкор эди.

Улуғларимиз агарки, ҳар киши дўстларининг дўстини кўрса, албатта, уни ҳурмат қилиши лозим деб таълим беришган. Раҳматли устозимиз Турсунбой Адашбоев туфайли Ёқубжон Хўжамбердиев билан ака-укачилик ришталаримиз янада махкам боғланиб қолганди. Турсунбой Адашбоев ташкил этган ижодий йиғинимиз бор эди. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни бир гуруҳ қадрдонлар Навоий кўчасининг ўттизинчи уйига туташ жойлашган мўъжазгина ошхонада тушлик пайти учрашиб турар эдик. Бу даврани Эркин Воҳидов, Анвар Обиджон, Дадахон Нурий, Турсунбой Адашбоевлардан бизгача давом этиб келаётган адабий мулоқот – дўстлар дийдори деб атасак ҳам бўлаверади. Иброҳим Ғофуров, Аҳмаджон Мелибоев, Ҳуршид Дўстмуҳаммад, Зуҳриддин Исомиддинов каби маънавиятимиз, адабиётимиз жонкуярлари ҳам шу давранинг тўрида бўлиб, Ёқубжон ака Хўжамбердиев ҳам даврамизга файз киритиб турарди. У камтарин, юмшоққўнгил, камгап бўлса-да чин сўзлайдиган, зеҳни-заковати билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор

бўлган адиб эди.

Ҳаёти дунёнинг ўткинчи ҳавасларига истаги сустлиги билан ажралиб турадиган Ёқубжон акага замонамизнинг етук адибларию ислом уламолари ҳам эҳтиром кўрсатишар эди. У бундай мақомга қандай эришди деган саволга жавоб топгандай бўламан.

Ўзбекистон ва Қирғизистондаги ўзбекзабон ижодкорлар орасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган забардаст журналист, халқимиз тақдири учун чин дилдан куйган, унинг турли йилларда йўлиққан дардларига дармон излаган, бу йўлда дармону андармон бўлиб келган устозимиз, маслакдошимиз ва акамиз Ёқубжон Хўжамбердиев ҳамиша миллат, юрт қайғусига шерик эди…

Ёқубжон ака 1947 йилнинг 15 мартида Қирғизистон Республикаси, Ўш вилоятининг Сузоқ қишлоғида туғилган эди. Мактабни битириб, Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқийди.

Талабалик йилларидаёқ “Тошкент оқшоми”, “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”), “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газеталарида мусаҳҳиҳ бўлиб ишлайди. Ўқишни тамомлагач, “Қишлоқ ҳақиқати” (ҳозирги “Қишлоқ ҳаёти”) газетасига мухбир бўлиб ишга ўтади. 1981 йилда “Ўзбекистон маданияти” газетаси қайта ташкил этилиб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” номи билан чиқа бошлаганда ёш журналист бир рус адибининг иккита мақоласини таржима қилиб беради. Таржимадан қониққан газета муҳаррири, ёзувчи Асқад Мухтор Ё.Хўжамбердиевни газетага ишга таклиф қилади.

Кейинроқ, 1992-1996 йилларда янги ташкил этилган “Ватан” газетасига бош муҳаррирлик қилди. Бу орада шоир ва ёзувчи сифатида ҳам самарали ижод қилиб улгурди.

2 - б.

ШУНДАЙ ДЕДИ

Мамаризо НУРМУРАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси:

“Марказий банк бошқарувининг бугунги йиғилиши қарори билан асосий ставка йиллик 17 фоиз даражасида ўзгаришсиз сақлаб қолинди. 2022 йил якунига қадар бу масалани яна 5 маротаба кўриб чиқиш режалаштирилган бўлиб, навбатдаги бошқарув йиғилиши шу йилнинг 9 июнь санасига белгиланган.

МУШОҲАДА

ОТАЁТГАН ЯНГИ ТОНГЛАР

Ватанимизда, жонажон Ўзбекистонимизда янги тонглар ота бошлади. Халқимиз улкан тараққиёт, янгиланиш сари қадам қўяётган тарихий ислоҳотлар даврини бошдан кечирмоқда. Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш, юртимизни энг ривожланган мамлакатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, янги жамият қуришдек улуғвор мақсадлар билан яшамоқда.

Юртбошимиз юқорида таъкидлаганимиз "Янги Ўзбекистон стратегияси" асарида шундай ёзади:

"Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало, илм-маърифат, юксак маданият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолатга ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!"

Яратганга шукурки сўнгги 5-6 йил давомида мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз кундалик ҳаётида теран ўзгаришларни ҳис қилиб яшамоқда. Бу ўзгаришларда "Таълим ва тарбия — бешикдан бошланади" деган ҳикматли сўз асосий мезон, ўлчов вазифасини ўтаяпти десак янглишмаймиз.

Маълумки, Ватан ҳар бир инсоннинг ўзи туғилиб ўсган, тақдири ва тарбиясига асос бўлган она маконидир. Шу боис, ягона замин, ягона Ватан, ягона тақдир тушунчаси кўпгина миллатларга хос бўлиб, халқ қудратини бирлаштиради.

Шу боисдан Ватанни она деймиз, она юрт, она-Ватан деб ардоқлаш, унинг муқаддаслигидан севгидан далолат беради. Зеро, Ватанга муҳаббат туйғуси инсонга она сути билан сингир экан, қалбда камол топиб, улғайиб боради.

Ҳар бир инсон умри давомида ўзини Ватан тараққиётига дахлдорлигини юракдан ҳис этиб яшайди. Бу дахлдорлик эса унинг яхши тарбия топиши, илм олиши, ўз ишини, касбини ва бурчини садоқат билан бажаришидан бошланади. Миллатимизга хос бўлган азалий хусусиятлардан бирини айтиш мумкинки, ўзбек йигити учун Ватани — ғурур ва шаън, ор-номус, диёнатни англатса, ўзбек аёли учун юрт тушунчаси биринчи ўринда — оила, фарзандлари вояга етаётган ота маконни ифода этади.

Донолар айтадилар: "Кишининг вафодорлиги ўз Ватани учун қайғуришидан, дўстларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ўкиниб яшашидан билинади". Дарҳақиқат, кишининг ўз халқига бўлган садоқати ва фидойилиги Ватанини ҳимоя қилиши, халқининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига имконият даражада ҳисса қўшиши билан ҳам менгзалади.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, авваламбор, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони асосида "Ёшларни Ватанга садоқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш" вазифаси бугунги кунда барча зиёли қатлам вакиллари олдига катта масъулият юкламоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон стратегияси" номли асарида: **"мен Янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни, Учинчи Ренессансни барпо этишда педагоглар, профессор-ўқитувчилар, ижодкор зиёлиларни энг катта куч, таянч ва суянч, деб биламан"**, дея таъкидлайди.

Шу боис, бугунги кунда зиёлиларнинг ёшлар тарбиясидаги, уларнинг Ватанга садоқат, ислоҳотларга дахлдорлик, Ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришдаги роли янада ошиб бормоқда.

Айтиш керакки, Учинчи Ренессанснинг "тўрт узвий халқаси" дея эътироф этилган мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларда фаолият олиб бораётган зиёлиларнинг энг биринчи вазифаси ҳам — Она Ватанга содиқ, юртпарвар, халқпарвар ёшларни тарбиялаб беришдан иборатдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистондаги янгиланишлар ва тараққиёт самараларини бутун дунё эътироф этмоқда. Барча соҳа ва тармоқлар ислоҳотга юз тутди. Энг муҳими одамлар тафаккури ўзгарди, ҳаётга муҳаббати ошди, бугунги ва эртанги фаровон ҳаётига юксак умид уйғонди. Олиб борилаётган оқилона ва одилона давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини англаб етган юртдошларимиз эса мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу ишларга улуш қўшишга интилмоқдалар, эл юмушига енг шимармоқдалар. Бунинг замирида чинакам ватанпарварлик туйғуси яққол намоёндир. Бу улуғвор туйғу – она тупроқ ҳимояси, шаъни ва ори йўлида фидокорлик, шахсий манфаатларни четга суриб, умумманфаат учун нимадир уддалай олиш, ўз юрти учун бетаъма ва беминнат яхшилик қилиш инсонга энг тотли ҳузурни бахш этади.

Ватанпарвар халқ, миллатпарвар ёшлар ўз-ўзидан шакланмайди. Қон-қонимиз, вужудимиздаги отамерос хислатлар билан бирга, уларга сингдирилаётган миллий-маънавий тар-

бия уларни камолга етказади. Тарих зарварақларига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги ёш авлод учун чинакам ватанпарварлик тимсолига айланган сиймолар ҳаёти, уларнинг Ватан ва эл тақдири, тараққиёти, тинчлиги, маърифати, маънавияти йўлида кўрсатган улкан фидойиликлари тарбия учун муносиб тарихий мактабдир.

Буюк боболаримиз Амир Темур, Бобур мирзо, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубролар, маърифатпарвар жадид авлодларимиз Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Фитрат, Беҳбудийлар – ёшларимиз учун миллий ўзликка муҳаббат ва Ватанга садоқат борасида ҳақиқий тимсолдир. Айнан жадидий қарашлари, Ватанпарварлиги учун тазйиққа учраган, олис Сибирь ўлкасидаги азоблар ичра ҳам "халқим", "юртим" дея мағрур бош кўтарган Усмон Носир, маърифатсизлик ва адолатсизликка қарши руҳий исён кўтара олган Қодирийни уйғотган, унинг номини авлодларга ардоқли қилган, улардан бугунги ёш авлодга қолдирилган маънавият қадрият ҳам айни ватанпарварлик эмасмиди?

Имом Муҳаммад Ғаззолий ҳазратлари шундай деган эканлар: «Ватаннинг ҳам ҳақлари бўлади. Уларнинг биринчиси шу Ватанда яшаганда тинч-хотиржам, шукрона қилиб яшаш ҳаққидир. Шунингдек, Ватандан кетганда уни соғиниш, Ватан камситилганда ғазабланиш, Ватанга ҳужум қилинганда уни ҳимоя қилиш ҳам Ватаннинг шу юртда туғилиб-ўсганлар зиммасидаги ҳаққидир".

Ана шу Ватан туйғуси туфайли инсон ўзи яшайдиган уйни, ўзи яшайдиган маҳаллани, шаҳарни, бутун юртни севади, уни обод қилади, унинг шаънини улуғлайди, ҳимоя қилади. Албатта Ватан шаънини турли кўринишларда улуғлаш мумкин. Аммо қайси соҳада бўлмасин, холис ва самимий, ҳалол хизмат қилиш, қалбан садоқат ўти билан ёниш ҳар бир инсон учун олий бурчдир.

Таъкидлаш жоизки, Ватан ишқининг чўғи — бизнинг эътиқодимиздан аланга олади. Аслида, юрт фаровонлиги ва қудратига камтарона ҳисса қўшаётган кекса-ю ёш ўз она элига, она юртига дахлдорликни инсониятга ҳам дахлдорлик деб баҳолайди, яъни одамийлик борки, ватансеварлик ҳам тирикдир.

"Ватан таркин бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама."

Агарда улуғ Навоий шоҳ байтларининг моҳиятини англайдиган бўлсак, мутафаккир "Ватанни тарк айлаш" деганда ундан жисман ўзга маконга чиқиб кетишнигина эмас, танаси Ватан ичида бўлатуриб, унга руҳан бегона бўлишликни, яъни жамиятда бўлаётган воқеликлар, ислоҳотлардан ўзини четга олиш, ҳамиша ўз юртига нимадир бериш эмас, ундан нимадир олишга уриниш, лоқайдликни назарда тутади. Бу эса Ватандан ташқарида бахт ва ҳаловат исташдан ҳам ачинарлироқдир.

Бугун Янги Ўзбекистоннинг янги даврини яратаётган эканмиз, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига ватанпарварлик туйғусини сингдириш, нафақат, илмли, юксак салоҳиятли, балки, она юртига наф келтиришни, унга муносиб фарзанд бўлишни олий мақсад деб билган ёшларни тарбиялаш улуғвор аҳдимизга айлансин. Бу эса фақат таълим муассасасида эмас, оилада, маҳаллада, бутун жамият ичида адо этиладиган вазифадир.

Ҳозирда Фарғона давлат университетида юздан ортиқ жаҳон чемпионлари, халқаро танлов ва анжуманлар совриндори бўлган етакчи ёшлар билим олишаётган бўлса, уларнинг барчаси мамлакат бераётган имконият ва эътиборга ўз фуқаролик позицияси, соғлом тафаккури, илм-фан, спорт, санъат, ижодда эришаётган ютуқлари билан жавоб қайтармоқдалар. Бу эса она юрт олдидаги масъулиятни ҳис этиш демакдир. Улардаги бу ҳаракат, бу масъулият биз устозларни қалбларимизни яйратади, меҳнатимиздан рози қилади.

Биз Ватан байроғини баланд тутган ўғлонлар, юрт тинчлиги учун жонфидо бўлган баҳодирлар, халқнинг маънавияти ва маърифати ривожига бўлган фидойилардан куч оламиз. Ўзига эмас, элга барака сўрайдиган оталар, "Кўпнинг дуосини олсин, Ватанини рози қилсин" дея фарзандлар улғайтирган оналар шу юртнинг файзидир. Аслида шу заминда уриб турган ҳар бир юрак эгаси ота маконининг хурсандчилик кунларида ҳам, синовли дамларида ҳам у билан бир бутун эканлигини теран англаб, унга тоабадга дахлдорлик туйғуси билан ёнса, шу замин гуллайверади, юксалаверади.

"Биз олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, олий ўқув юртлар тизимини янада ривожлантириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, пировардида илм-фаннинг йирик ўчоқларига айлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси мутассил ошириб борилади".

Президент Шавкат Мирзиёевнинг юқоридаги сўзлари ҳам таълим-тарбия, илм-фан ва маънавият-маърифат соҳасига, айниқса, олий таълим тизимига юксак эътибори, ғамхўрлигидан далолатдир.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори,
педагогика фанлари доктори,
профессор.

УЗОҚЛАР ОЛИС ЭНДИ...

1-6.

Ёқубжон Хўжамбердиевнинг 1981-87 йилларда "Зарурат", "Ой тўлган тунлар" шеърий, "Уйда тинчи бўлсин, йигитнинг" номли публицистик мақолалар тўпламлари чоп этилди.

Ўзбек халқи бошига тушган бўхтонлардан иборат "Ўзбек иши" деб номланган жиноий иш кирдикорларини ўрганиб, 1990 йилда собиқ шўролар иттифоқи ҳали тарқамай туриб, ўзбекларга нисбатан турли бўхтонлар ҳамон янграб турган бир пайтда Ёқубжон аканинг "Ўзбеклар иши" номли публицистик мақолалар тўплами қирқ беш минг нусхада чоп этилади. Бу китобда муаллиф ҳақиқий ўзбеклар иши, яъни ўзбек халқининг оғир меҳнат остида кечираётган турмуши ҳақида ҳикоя қилади.

Ёқубжон Хўжамбердиев 1990 йилда Қирғизистоннинг жанубида рўй берган этник тўқнашувлар сабаблари ва оқибатлари ҳақида ёзган мақолалари билан ҳам кенг танилган эди.

Таржимонлик соҳасида ҳам яхшигина тажрибага эга бўлган адиб 1998 йилда ёзувчи Набижон Боқий билан биргаликда Чингиз Айтматов ва Мухтор Шохонов қаламига мансуб "Чўққида қолган овчининг оҳизори" асарни ўзбек тилига ўгиради.

Кейинги йилларда ёзувчининг "Ойнинг ёруғ кунлари", "Қалдирғочлар баҳорда келади" каби қиссалари ва "Сузоқнома" тарихий-бадиий асари китоб бўлиб чиқди.

Ёқубжон Хўжамбердиев кўп йиллар буюк аллома, ўз даврининг улуғ сиймоларидан бири, "Тарихи Муҳаммадий", "Туркистон қайғуси" асарлари муаллифи Алихонтўра Соғунийнинг ҳаётини ўрганди. Соғунийнинг Ўрта Осиёда Ислом динини мустаҳкамлаш ва Туркистон халқлари озодлиги учун курашда тутган мислсиз ўрни ҳақида кўп мақолалар ёзди.

Ана шу изланишлари натижаси ўлароқ ёзувчи аввалига 2014 йилда "Соғуний соғинчи" номли қиссасини чоп эттирди. 2018 йилда эса муаллифнинг "Соғуний" деб номланган кенг кўламли роман-маноқиби дунё юзини кўрди.

Бир воқеа ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Турсунбой Адашбоевнинг саксон йиллик маъракасини нишонлаш учун ўзбекистонлик бир гуруҳ ижодкорлар Ўш шаҳрига боргандик. Тақдирнинг туҳфасини қарангки, ўшанда Эркин Маликов, Ёқубжон Хўжамбердиев билан Зуҳриддин Исомиддиновнинг укаси Аҳмаджон ҳожи хонадонида бир-неча кун меҳмон бўлдик. Ўзбекона меҳмондўстлик, исломий ахлоқ нафаси уфуриб турган бу файзиёб хонадон соҳиблари бизларни жуда эъзозлаганлари ҳали-ҳануз ёдимда. Ўшанда тўртовимиз ярим тунгача дилдан суҳбатлашдик, ибодат қилдик, иборали қилиб айтганда, бир-бирларимизни янгидан кашф этдик. Дўстона меҳру муҳаббатимиз янада ортди.

1990-1991 йиллар ўзбек халқи ҳаётида моддий жиҳатдан анча қийин кечган бўлсада, аммо маънавият нуқтаи назаридан жуда баракали бўлган эди. Қуръони Карим уламои киром Алоуддин Мансур ҳазратлари томонидан замонавий ўзбек тилига ўгирилган эди. Ёқубжон ака Турсунбой Адашбоев хотирасига бағишлаб ўтказиладиган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш ўзбек драма театридаги ижодий учрашувга Алоуддин Мансур ҳазратларини ҳам таклиф қилди. Узоқ йиллар орзиқиб кутган ниятим ушалди. Аллома Алоуддин Мансур ҳазратлари билан суҳбатлашиб, дуосини олдим. Ярим аср Ўшнинг Аравонидаги мактабларда ўзбек тили ва адабиёти фанидан муаллимлик қилган раҳматли шоир Кенжабой отам Алоуддин Мансур ҳазратларини жуда ҳам эҳтиром билан тилга олганлиги сабабидан ҳам мен учун бу танишув катта бахт эди.

Ўшанда Алоуддин Мансур билан Ёқубжон аканинг бир-бирларига жон жигардек муносабат қилганларини кўриб ҳайратланган эдим...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шуҳрат Жабборов шундай эслайди: "Ёқубжон Хўжамбердиев ҳамиша адолат йўлида юрар, ростсўз унинг доимий қуроли бўлган. Миллатимизнинг хос хислатларини яхши кўрар, уни зўр бериб тарғиб этарди. Тошкентнинг Қорасув даҳасида йигирма йил қўшни бўлиб яшаганмиз. Қўшнилик ҳаққини муносиб адо эта олган, оқибатли ва садоқатли дўстимиздан айрилиш катта йўқотиш бўлди. У қирғиз адабиёти, Чингиз Айтматов асарларининг толмас тарғиботчиси эди. Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Усмон Аъзим, Эркин Аъзам, Мирпўлат Мирзо, Набижон Боқий каби ижодкорлар билан яқин дўст эди. Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистонидан тортиб барча вилоятларида Ёқубжон акани қучоқ очиб кутиб оладиган минглаб мухлислари бор эди".

...Ёқубжон Хўжамбердиевнинг мотамсаро хонадонидамиз. Яратган яна икки ҳафта умр ато этганида у етмиш беш баҳорини нишонлар эди. Парвардигоримиз ҳузуридаги Лавҳул Маҳфуз китобида тақдири баҳор келган куни бу фоний дунёдан у боқий дунёга рихлат қилиш Ёқубжон акамизнинг пешонасига битилган экан, бу Аллоҳнинг иродасидир. Марҳум адибимиз ўз китобида ёзганидек, бу йил баҳорда келадиган қалдирғочларни кўриш унга насиб қилмади.

Марҳумнинг хотирасига қилинган амри-маъруфда Ёқубжон аканинг қори жияни йиғилганларга қарата шундай деди: "Ёқубжон акамиз исломий ахлоқ билан умр кечирди, зурриёдларига китоб деган илм қолдирди. Бандалик қилиб, билиб-билмай кимнидир дилига озор етказиб қўйган бўлса, бизлар узр сўраймиз. Парвардигоро, Ёқубжон отамизнинг охирати нурга тўлсин, борган жойлари жаннат боғларидан бир боғча бўлсин! Омин..."

Таъзиядан қайтар эканмиз, ҳамроҳимиз Абдунаби Бойқўзиев ўзининг Ёқубжон Хўжамбердиевга атаб ёзган бахшидасини кўзда ёш ила ўқиди:

О, болалик тонглари...
Узо-оқлардан келади.
Сулаймонтоғ, Ўш, Ўзган,
Сузоқлардан келади.

У тонгларга йўғрилиб,
Келади, бир орзулар,
Биз, орзулар қилардик,
Олисларни орзулаб...

Шу олис орзуларда,
Олис-олис кетдик биз.
Қисмат – тахти армонни
Шош сориға элтдик биз.

Болалик...
Узо-о-қларда!
Узоқла-а-р... олис энди!
Биз Шошларда қопкетдик,
Узоқлар... олис энди!..

Сузоқлар олис энди,
Сузоқлар олис энди!

Меҳрибон ота, садоқатли ёр, ишончли дўст ва ғамхўр устоз бўлган Ёқубжон ака Хўжамбердиевнинг ёруғ хотираси ҳамиша биз билан қолади.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

ТАНЛОВ

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан "Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!" шиори остида "Энг намунали таълим муассасаси", "Энг намунали ўқитувчи", "Энг намунали ўқувчи" танловларининг ҳудудий босқичлари бўлиб ўтмоқда.

МИЛЛИЙ РУҲ, МИЛЛИЙ ҒУРУР

Юртимизда ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик, она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда ҳалоллик, ватанпарварлик, фидокорлик сингари шахсий хислатларни, шунингдек, миллий руҳ, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 январь куни Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий таълим муассасаларига ташрифи давомида берилган топшириқлари бўйича 2022 йилнинг апрель-май ойларида "Темурбеклар мактаби" ва "Ёш чегарачилар" ҳарбий-академик лицейлари ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, ватанпарварлик руҳини янада кучайтиришга қаратилган "Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!" шиори билан "Энг намунали таълим муассасаси", "Энг намунали ўқитувчи", "Энг намунали ўқувчи" танловларини ўтказиш белгиланган эди.

Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси Тарих институти, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардиянинг Қўшма қарори тасдиқланган бўлиб, шунга асосан Нукус, Фарғона ва Шаҳрисабздаги "Темурбеклар мактаби" ҳамда Термиз шаҳридаги "Ёш чегарачилар" ҳарбий-академик лицейларида танловларнинг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танловнинг Тошкент шаҳридаги "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейларида ҳам ҳудудий босқичларини ўтказиш режалаштирилган.

Танловларда иштирок этаётган ҳарбий-академик лицейлар ва уларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларида узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услублар ишлаб чиқиб амалиётга қўллаши, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар эътиборга олиниб, белгиланган шартлар бўйича баҳоланди. Жумладан, "Энг намунали ўқитувчи" танловида амалий машғулотларнинг ташкил этилиши, унинг мазмуни, педагогик маданияти, ўқитиш методикаси, самарадорлиги ҳамда мактабдан ташқари фаолиятидаги ютуқлари алоҳида эътиборга олинди. Шунингдек, "Энг намунали ўқувчи" танловида "Китобхонлик", "Тест саволлари", "Темур тузуклари билимдони", "Шахсий фазилатларини баҳолаш" ҳамда "Амир Темур образини яратиш" сингари шартлар ўрин олган.

Мазкур танловлар "Темурбеклар мактаби" ва "Ёш чегарачилар" ҳарбий-академик лицейларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, юқори малакали педагогларни рағбатлантириш, соҳа фаолияти нуфузини янада ошириш, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, ўзи танлаган йўналиши ва мутахассислиги бўйича мукаммал билим ва кўникмага эга бўлган кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия соҳасидаги инновацион технологияларни кенг оммалаштириш, соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратишдек эзгу мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятлидир.

Эгамберди ХЎЖАМУРОДОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази матбуот котиби.

Фазилатда тенгсиз ой

1-6.

— Ассалому алайкум. Аввало Рамазон ойи барчамизга муборак бўлсин деймиз. Домла, гуноҳлар кечирилиб, кичик амалларимиз учун ҳам катта савоблар бериладиган улуғ рўза ойида Яратган томонидан бандаларига ихлос билан рўза тутгани учун қандай ажрлар берилиши, умуман мазкур ойнинг хосиятлари ҳақида кенгроқ тушунча берсангиз?

— Аввало, шуни айтиш жоизки, ҳар бир инсон Рамазон рўзасининг фарзлиги ҳақида етарли маълумот олмагунча тутаётган рўзасининг аҳамиятини тўлиқ англаб етиши қийин.

Бу ибодат Қуръони Карим оятлари, Пайғамбаримиз Расулуллоҳ алайҳи ва салламнинг ҳадислари ва Ислом умматининг тақвоси, Аллоҳ ризолиги йўлидаги умид ва ишонч ила собит бўлгандир. Шу боисдан ҳам Аллоҳ таоло бу ибодатни серфазилат қилиб қўйган. Мазкур фазилатларни эса санаб адоғига етиш мушкул.

Рўза араб тилида "сиём" деб аталиб, луғатда бир нарсадан ўзини тийиқликни билдиради. Шариат истилоҳида эса *"тонг отгандан то қуёш ботгунча ният билан рўзани очувчи нарсалардан ўзни тиймоқликдир"*. Рўзани очувчи нарсалар деганда емоқ, ичмоқ, жинсий яқинлик қилмоқ ва рўзани очиб юборадиган бошқа нарсалар тушунилади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *"Набий алайҳиссалом: "Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ азза ва жалла сизга унинг рўзасини тутмоқни фарз қилди. Унда осмонларнинг эшиклари очилур. Унда жаҳаннамнинг эшиклари ёпилур. Унда ўзбошимча шайтонлар кишанланур. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг кечадан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, батаҳқиқ, маҳрум бўлибди", дедилар".*

Пайғамбаримиз с.а.в. шундай марҳамат қилдилар:

"Рўза тутган кишининг уйқуси ибодат, сукут сақлашлиги Аллоҳга тасбеҳ, қилган амалининг савоби орттириб берилади ва гуноҳи кечирилгандир".

"Агар менинг умматим Рамазон ойи ичидаги нарсаларни билганларида эди, албатта, йилнинг ҳаммаси Рамазон бўлсайди, деб орзу қилардилар".

Рўзадорнинг рўзасини савоби мукаммал бўлиши учун қайтарилган ишлардан узоқ бўлиши ва буюрилган амалларга янаям шижоатли бўлиши керак.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: "Рўза фақат ейиш ва ичишдан тийилиш эмас. Балки беҳуда, беадаб сўзлардан тийилишдир. Агар сени бирор киши сўкса ва сенга жоҳиллик қилса: *"Мен рўзадорман, деб айт"*.

Итоаткор рўзадорларнинг иммони комил, хулқи аъло бўлиши уларнинг қалблардаги ниятлари ва тиллари уйғунлигидан далолат беради. Уларнинг улуғ аломат ва мукаррам сифатлардан яна бири қалбларида нафрат, ҳасад ва адоват йўқлигидир. Тилларидан эса ғийбат, чақимчилик ёки ёлғон мутлақо чиқмаслигидир.

Рўзангизнинг аҳамиятга молик жиҳати таом ва ичимликдан тийилсангиз-да, қалбингиз эса Аллоҳнинг бандаларига нисбатан нафрат, ҳасад ва кек сақлашда ифтор қилиши ёки тилингиз ғийбат, чақимчилик, фириб билан муомала қилиш, ёлғон, ҳақорат ва сўкишликда ифтор қилишдан иборат бўлмасин. Чунки кимнинг ҳоли шундай бўлса, бас, у рўзасидан фақат очлик ва чанқоқлик қолибди холос, Рўзанинг бошқа ажру мукофотларидан маҳрум бўлади.

— Рўза ойида кўпроқ қандай ниятлар қилган маъқул? Кўпроқ ўқилиши керак бўлган дуолар ҳамда қўшимча амаллар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз?

— Энг аввало, оғиз очиш вақтида кўпроқ дуо билан машғул бўлиш тавсия қилинади.

Ифторлик пайтида қилинган дуоларнинг ижобати янада саодатлидир. Шунга кўра, Набий алайҳиссалом ифтор пайтида дуо қилганлар. Айниқса, аҳли аёлларимизни ифторлик вақти яқинлашиши билан дастурхон атрофига жам қилиб қалбдан Аллоҳга ният қилиб, дунё ва охират учун манфаатли бўладиган нарсаларини сўрашни ўрганиш лозим.

Кўпроқ қурон ўқиш, агар ўқий олмаса эшитишлик Расулуллоҳнинг Рамазондан энг кўп машғул бўлган амалларидан.

Улфатлар билан гаплашиш, телефонларни кавлаш, интернетдан фойдаланиш, ижтимоий тармоқларда соатлаб ўтириш, турли суҳбатлар билан вақт ўтказиш, кўчаларни кезиш, истироҳат боғларига бориш, кўнгилочар масканларга ташриф буюриш ва бошқа шу кабиларни камайтириб, Муборак ҳадиси шарифда бундай дейилади: *"Рўза тўсиқдир. Қачонки сизлардан бирортангиз рўзадор бўлса, ёлғон сўз гапирмасин, ҳақорат сўзларни айтмасин".*

Яна фарзандларга Рамазоннинг улуғлигини англатиш ҳам улуғ савоблардандир.

Қолаверса, фарзандларимизга гўзал тарбия бериш динимиз талабидир. Ана шу тарбиянинг бир қисми уларда динимиз шиорларига нисбатан ҳурмат, уни эъзозлаш руҳиятини шакллантиришдир. Бу ойнинг ибодатларига кўп савоб берилиши, мурувват ойи, сабр ойи эканини, Қуръон шу ойда нозил этилганини уларга тушунтириб боришимиз албатта жоиз.

— Муҳтарам домла, маълумки, инсон хато қилади, нуқсонга йўл қўяди. Ушбу муборак кунларда одамларнинг бир-бирларига янада кечиримли бўлиши, турли келишмовчилик ва зиддиятлардан, аразлардан ҳам халос бўлиши учун нима қилмоқ керак?

— Албатта, одамлар орасида турли сабаблар туфайли айрим келишмовчиликлар, зиддиятлар бўлиб туради. Бироқ шу пайтгача ўзаро урушиб, жанжаллашиб яхшиликка эришмаган. Аксинча, муросасизлик, ўзбилармонлик, димоғдорлик биродарлар орасида араз-гина пайдо бўлишига сабаб бўлади. Оқибатда киши гуноҳкор бўлиши ҳам мумкин.

Абу Ҳурайра розияаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Мўмин мўминдан уч кундан ортиқ аразлаши ҳалол эмас. Агар у уч кунни ўтказган бўлса, ўша билан учрашиб, салом берсин. Агар унинг саломига алик қайтарса, иккаласи ажрга шерик бўлади. Агар саломга алий қайтармаса, у гуноҳни ўзига олган бўлади", дедилар"* (Имом Абу Довуд ривояти).

Афсуски, айрим кишилар, айниқса, мерос масаласида бир оиланинг фарзандлари бўла туриб бир-бирлари билан низолашиб, йиллаб аразлашиб юрганлар ҳам учраб туради. Демак, араз-гина, адоват жуда ёмон иллатлардан экан, мусулмонликка даъвогар одам ўзини тез идора қилади ва ўтмишдан билиб-билмай қилиб юрган гуноҳларини ювиш учун ҳам биродарини кечириши асосида адоват, гина-кудуратдан воз кечади.

Мўмин-мусулмонлар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъкидлаганларидек, ака-ука бўлишлари керак. Ораларидан гап-сўз ўтган, аччиғи чиққан, бир-бирига оғир ботадиган гап айтган, иш қилган бўлса, уларни кўнгилдан чиқариб ташлаш учун шариатда уч кун муҳлат берилган. Мусулмон одам уч кун ичида ҳовуридан тушсин, ўз-ўзига насиҳат қилсин ва уч кундан ошмасдан ярашиб олсин, бундай аразлашиб юришни ўзларига эп кўрмасин.

Аразлашиб қолганларни ярашишга тарғиб қилиш лозим. Айтайлик, икки киши урушиб қолган бўлса, йўлда учрашиб қолганда тескари қараб, юз ўгириб ўтиб кетса, орадаги нифоқ икки баравар кўпаяди. Демак, гина гуноҳга айланади. Шунинг учун аразлашиб қолган икки киши учрашиб қолса, шу ерда бир томон савоб умидида яхшиликни бўйнига олиб, салом бериши керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Биринчи бўлиб салом бергани — яхшиси"*, деганлар.

Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ ёзиб олди.

ЮРГАН ДАРЁ

ҚАДРДОНЛАР ДАВРАСИДА...

самарқандлик журналистлар илк бор қўшни давлатга велосаёҳатга чиқишди

Тожикистонга сафаримизнинг ўзига хослиги шундаки, биз бу сафар қўшни давлатга саёҳатни велосипедда амалга оширишга қарор қилдик. Чунки юртимиздаги расмий оммавий ахборот воситалари ижодий ходимлари ичида бу лойиҳамиз илк халқаро велотур ҳисобланади. Шу билан мазкур турдаги саёҳат оммалашиши, ҳам саломатлик ҳам, икки давлат ўртасидаги туризм ривожи учун ўзига хос янги йўналишнинг пайдо бўлишига туртки бермоқчи бўлдик.

Велотур вилоят Матбуот уйидан старт олиши белгиланди. Онлайн харита — Google maps дастури бу жойдан Сўғд вилояти Панжикент тумани марказигача 65 километр эканини кўрсатади. Аммо биз йўл-йўлакай қатор ҳудудлардаги диққатга сазовор жойларга кириб, кичик-кичик лавҳалар тайёрлашни режалаштирдик. Шунингдек, велотур давомида Сўғднинг ҳам қатор масканларида бўлиш кўзда тутилган эди.

Велосаёҳат уюштириб жойлардан турли репортажлар тайёрлаш борасидаги режамизни нафақат таҳририят, шу билан бирга вилоят ҳокимлиги, спорт бошқармаси, вилоят велоспорт федерацияси ҳам қўллаб-қувватлади. Жумладан, саёҳатнинг қўшни давлатдаги қисми тоғлар орасида давом этиши кўзда тутилгани учун велоспорт федерациясидан икки дона энг чидамли ва қулай велосипед ажратиб берилди.

Дастлаб, велосипедда кичик масофаларга синов учун саёҳатлар уюштирдик. Ва сафарга тайёр эканимиздан сўнг, шу йилнинг 6 апрель куни вилоят Матбуот уйидан халқаро велотурга йўл олдик.

Самарқандга муносиб велойўлаклар керак

Мамлакатимизда ички туризмни, велоспортни ривожлантириш ҳам долзарб ҳисобланар экан, велойўлаклар назоратига жиддий қараш керак экан. Тўғри, вилоятимизда, хусусан, Самарқанд шаҳри ва Тойлоқ туманида кейинги йилларда бундай йўлаклар анча масофада, жуда чиройли ва қулай шаклда барпо этилди. Аммо афтидан, ҳозирча, бу велойўлакларга муносабат барчамизда тўла шаклланиб улгурмаган.

Мисол учун, "Самарқанд-сити"ни "Сиёб бозори" билан боғловчи бениҳоя чиройли (Уста Умар Жўрақулов) кўча қурилган. Замонавий ечим, тўрт томонлама қатновга мўлжалланган кўчада пиёдалар манфаатлари ҳам ҳисобга олинган. Аммо айрим "бойвучча"лар янги бозор яқинида йўлакни ҳовлисидан кўчага чиқувчи мулк сифатида тасарруф этмоқда. Уларнинг уйи яқинидан пиёда ёки велосипедда ўтиш учун йўлнинг автомобиль қатнов қисмига ўтишга тўғри келади.

Сафаримиз давомида энг осон босиб ўтган ҳудудларимиздан бири — Тойлоқ туманининг кириш қисмидан марказигача бўлган йўл дейиш мумкин. Чунки бу йўлнинг бир томонида тўлиқ велойўлак қурилган. Қатнов қисмидан 1 метрлик майсазор ажратиб турган йўлакда ўриндиқлар ва чиқинди ташлаш қутилари ҳам жойлаштирилган. Ҳатто велосипед қўйиш жойлари ҳам бор. Аммо яна ўша гап: бу йўлакларда ҳам бир неча жойда "тадбиркор"лар йўлакларни эгаллаб олаётгани кузатилади. Ўнлаб ҳолатларда одамлар машиналарини велойўлакка қўйиб кетганини эса айтмасак ҳам бўлар...

Нима бўлганда ҳам Самарқандда велойўлаклар қурилаётганини фақат олқишлаш мумкин. Фойдаланишдаги камчиликлар фикримизча вақт масаласи. Дарвоқе, аҳоли сони энг кўп бўлган Ургут туман ҳудудида ҳам худди шундай йўлаклар қурилса велотуризм ривожи учун жуда яхши иш бўларди.

Йўлдаги зиёрат

Велосаёҳат давомида Тойлоқ туманидаги Имом Доримий зиёратгоҳига ҳам кириб ўтдик. Маълумотларга кўра Имом Доромий ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларидан ўн уч ёш катта бўлган.

Улар айни бир вақтда, яъни IX асрда ҳадислар билан астойдил шуғулланганлар. Шу боис, бу иккала буюк муҳаддис бир-бирларини шахсан билганлар. Ҳатто, айтиш мумкинки, улар ўзаро яқин илмий ҳамкорликда бўлган. Бу фикримизга далил тариқасида тарихчи Шамсуддин Заҳабийнинг "Сийар аълом ан-нубало" номли асарида келтирилган қуйидаги маълумотни кўрсатиш мумкин: "Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Халаф шундай деган: "Бир кун устоз Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Шу пайт устозга бир мактуб келтирдиларки, унда Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Доримийнинг вафоти (у Имом Бухорийдан атиги бир йил олдинроқ – 869 йилда вафот этган) ҳақида хабар қилинган экан. Бу нохуш хабардан устоз чуқур қайғуга ботиб, бошини қуйи эгдилар. Бир муддатдан кейин бошини кўтариб, кўзлари лиммо-лим ёшга тўлган ҳолда ҳасрату ғамгинлик билан: "Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун" оятини айтиб: "Сенинг тирик бўлишинг учун дўстлар ҳаммаси жонларини фидо қилишга тайёр эдилар-ку", – деб юзларига дуои фотиҳа тортдилар". Мана шу мухтасар лавҳадан ҳам кўриниб турибдики, Имом Бухорийнинг аллома Имом Доримийга нисбатан эҳтироми чексиз бўлган.

Туманнинг "Наққошон" маҳалласидаги худди шу манзил ёнгинасида жойлашган минг йиллик тутлар ҳам фикримизча эътиборга молик. Мазкур ноёб дарахтлар ҳозирги кунда давлат муҳофазасига олинган.

Чегарадан ўтишда муаммо йўқ

Мазкур манзиллардан чиққанимизда аллақачон кун ярмидан оққанди. Шу сабабдан, кеч тушмасидан Тожикистон чегарасигача етиб олишга қарор қилдик. Қўшни мамлакатга етгунга қадар бир неча марта тўхтаб нафас ростлашга тўғри келди. Божхона постига етиб борганимизда соат аллақачон 21:00 дан ошганди.

Чегарадан ўтиб-қайтиш ҳақда икки оғиз. Аслида Панжикент ва Самарқанднинг қатор туманлари аҳолиси, айниқса, Ургут, Тойлоқ туманларида икки давлат фуқаролари ўртасида қариндош-уруғчилик қадимдан давом этиб келади. Айни вақтда ҳам икки томондан қуда-анда бўлганлар оз эмас. Аммо узоқ йиллар давомида биз асосан чегарадан ўтиб қайтиш қийинчилиги ҳақида эшитиб келганмиз.

Мана шу қийинчилик биз велотур иштирокчиларининг ҳам миямизга ўрнашиб қолган экан. Озроқ ҳадик, "ўтказишармикан" деган ўй билан божхона чегара постига кириб бордик. Йўқ, ҳар икки томон назорат ўтказиш постида ҳеч қандай муаммо йўқ. Тадбиркорлар, сайёҳлар, хуллас, истаган одам ўтиб-қайтиб турибди. Ўзимизникилар "яхши бориб келинглар" дея кузатган бўлса, қўшниларимиз "Хўш омадед" дея кутиб олишди.

Чегара постдан ўтгач, Панжикент шаҳрига қадар тахминан 20 километр масофада асосан ўзбек маҳаллалар экан. Аммо Панжикентда ҳам тил бўйича муаммо йўқ — қайси самарқандлик тожик тилини оз бўлса ҳам билмайди дейсиз?

Очиғини айтганда, Панжикентга етган заҳоти меҳмонхонага жойлашиш тадоригини қилдик. Ҳар ҳолда шунча масофага велосипедда бориш осон эмас экан. Оёқларимизда толиқиш яхшигина билинаётганди. Шаҳар марказидаги меҳмонхонага кириб бордик.

Дарвоқе, шаҳарга кеч етиб борганимиз учун сўмни валютага айирбошлаш имкони бўлмади, банклар ёпиқ. Меҳмонхонада бизга тўлов 100 сомоний эканини айтгач (бизнинг пулда 100 минг сўм) вазиятни тушунтирдик. Меҳмонхона ходими телефонда бошлиғи билан гаплашгач, сўмда ҳам бемалол тўлов қилишимиз мумкинлигини айтди. Ростини айтганда, бу бизга ғурур бағишлади.

Панжикентдаги очиқ осмон остидаги музей

7 апрель куни тонгда олдиндан режалаштирган манзилимиз — Кўҳна Панжикент тарихий шаҳар харобаларини кўришга йўл олдик. Велосипедда тахминан ярим соатлик йўл, хуллас, "бир қир нарида"...

V-VIII асрларда гуллаб-яшнаган мазкур шаҳар ўрни ҳозирда очиқ осмон остидаги музей кўринишида ҳимояга олинган. Маҳаллий аҳолига кўра, бу шаҳар қадимги Суғд давлатининг муҳим шаҳарларидан бири бўлган.

Шу ерлик одамлар шаҳар ўрнидаги қолдиқ деворларни кўрсатаркан, бизга тушунтира кетди: "мана бу деворлар ўрнида олдин карвонсарой бўлган, бу ерда одамлар яшаш уйи, ҳимоя девори..." Бир ярим минг йиллик шаҳар деворлари оралаб сайр қиларкансиз рўпарангизда қадимий шаҳар хаёлан тикланиб, сизни олис мозийга томон етаклайди.

Тушдан сўнг Панжикент кўчаларини кездик, туман газетаси таҳририятида, туризм ташкилотида бўлдик. Очиғини айтганда, бинолар архитектураси билан ҳозирги Панжикент қайсидир маънода 90 йилларни эслатди бизга. Аммо аксарият кўчалар равон, уларда асосан хориж машиналари, онда-сонда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган машиналар учрайди.

Бозорлардаги нархлар бизникидан кескин фарқ қилмайди. Бир дона нон бизнинг пулда 1000-3000 сўмгача, гўшт 65 000-75 000 сўм. Ёғ ва тухум биздагидан бироз қимматроқ. Айтганча, тухум ва бир қатор бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини айрим тадбиркорлар Самарқанддан олиб бориб сотишаркан.

Кечқурун, ифтор вақти Панжикент кафеларида ҳам одам гавжум. Икки хил овқат, яхна ичимлик ва салатлар учун 50 000 сўмдан тўладик.

Саразм — ЮНЕСКО муҳофазасида

Сафаримизнинг иккинчи куни дастлаб Саразм тарихий ёдгорлигида бўлдик. Бу масканда ўнлаб қазишмалар очиқ ҳолда сақлангани боис қадимий бино ва иншоотлар билан танишиш имконияти бор.

Саразм ёдгорлиги Зарафшон дарёсининг тоғлар орасидан кенг водийга чиқиш жойида, Ойимкўл ёнида жойлашган. Айрим олимларга кўра, "Саразм" атамаси суғдча "саризамин", яъни "ернинг бошланиши", "воҳанинг бошланиши" демакдир.

Ёдгорлик ясси тепачалар кўринишида, 100 гектарга яқин жойни эгаллаган. Унда 1976 йилдан тадқиқот ишлари бошланган. Археологик тадқиқот натижалари бу ерда қадимий деҳқончилик, ҳунармандлик изларини аниқлаган. Шунингдек, бу ерда қадимий бинолар қолдиқлари, турар жойлардан тортиб қаср ва маданий бинолар эътиборингизни тортади. Айниқса, сопол, балки металл ва тошдан ясалган буюмлар, олтин безак, феруза кўзли зийнатлар ҳам ҳудудни ва шу ердаги музейни томоша қилишга арзийди. Мазкур маскан 2001 йилда Саразм ёдгорлиги тарихий-археологик қўриқхонаси, деб эълон қилинган ҳамда ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Куннинг иккинчи ярмида Сўғднинг энг баҳаво жойларидан бири — маҳобатли тоғлар орасидаги Еттикўл туристик масканига йўл олдик. 45-50 километр масофанинг тенг ярми мураккаб тоғ йўлларидан иборат. Тор йўлнинг бир томони баланд тоғ бўлса, иккинчи ёни қўрқинчли жарликдан иборат. Ҳар иккиси ҳам бошни айлантиради. Шунинг учун йўлнинг ярмини машинада босиб ўтишга тўғри келди.

Еттита кўлнинг ҳар бири иккинчисидан маълум бир масофада жойлашган, 500 метрдан – бир неча километргача. Тўртинчи кўлдан ўтгач сўраб суриштириб, оз сонли уй-меҳмонхоналардан бирига жойлашдик. Ажаб, олис ва машаққатли тоғ йўли устида жойлашган меҳмонхона анчагина замонавий ва саришта. Ҳудудда ҳаво анча салқин, шунинг учун сайёҳлар асосан ёз ойларида ташриф буюради. Бошқа вақтда эса бу кўлларни сокин маскан дейиш мумкин.

Муҳим томони шуки, Зарафшон дарёсининг асосий биринчи ирмоғи Искандаркўлдан бошланса, яна бир ирмоғи мана шу Еттикўлдан бошланади. Сув еттита кўлдан бирин-кетин чиқиб Зарафшонга бориб қуйилади.

Бу кўлларга етиб борганимизда аллақачон кун ботган эди. Қайтиш имконсиз, тун ярмигача тоғлик тожик дўстлар билан суҳбат қурдик. Ҳатто шу ерларда ҳам аксарият аҳоли ўзбек тилини озми-кўпми тушунади. Ҳар икки кишидан биттаси ҳеч бўлмаса бир марта Самарқандга келиб кетган.

Сафарнинг учинчи куни деярли йўл билан ўтди. Велосипедда Суғдиён шаҳри, ундан кейин қатор қишлоқлар оралаб Панжикентга, ундан эса Жартепа божхона постига қарийб кеч тушганда етиб келдик.

Сафардан олган энг асосий хулосаларимиз: қўшни давлатда биз, ўзбекистонликларни қаттиқ ҳурмат қилишаркан. Йўлда учраган одам борки қаердан эканимизни билгач, чой таклиф қилади, меҳмон қилгиси келади. Жуда кўплаб панжикентликларнинг Самарқандда узоқ ёки яқин қариндошлари, ҳеч бўлмаганда дўстлари бор. Ким билан гаплашсангиз, албатта чегаралар очилганидан хурсанд эканини айтиб ўтади.

Бизда ҳам шундай кечинмалар. Муҳими, ўзимизни ўзга юртда юргандек ҳис қилмадик, таниш чеҳралар, ўхшаш табиат, тарихий муштараклик, хуллас, ҳаммаси ўзимиздагидек. Хоҳ уловда, хоҳ пиёда борманг, қўшни давлатда қадрли меҳмон бўласиз, қадрдонлар билан кўришасиз.

Анвар МУСТАФОҚУЛОВ,
Ёқубжон МАРҚАЕВ,
"Зарафшон" мухбирлари.

НУҚТАИ НАЗАР

ГАЗЕТА нега КЕРАК?

Босма нашрлар эҳтиёжи

Менда журналистикага ҳавас ҳам, кейинчалик эса журналист бўлишга иштиёқ ҳам айнан газета сабаб шаклланган. Мен ҳар тонгни “тирик” газета ўқиб бошлашни одат қилганман. Бу – менинг эҳтиёжим!

Ва биламанки, бу фақат менгагина хос “қадрият” эмас, мендайлар бу атрофда ҳали кўпчиликни ташкил этади. Демак, эҳтиёж бор, у баъзилар жар солаётганларидек, ҳали қуриб битгани йўқ. Бу – бир!

Иккинчи муҳим асос шуки, матбуотдек саводли, шу билан бирга, ўз “сўзи”га жавоб бера оладиган ОАВ ҳозирча шаклланмади, деб ўйлайман. Бу мулоҳазани ўзини зиёли ҳисобловчи аксарият дастаклаши аниқ. Чунки газетада ҳар қандай материал чоп этилишидан олдин росмана чиғириқдан ўтади. Ҳаққонийлиги текширилади, ижтимоий юки ҳисобга олинади, савияси, даражаси таҳлил қилинади ва яна бундан кам бўлмаган жойи таҳрири пишитилади, энг муҳими, имлоси тоза бўлади. Назаримда, бугун босма матбуотни айни жиҳатлар виртуал ОАВ воситаларидан фарқлаб туради.

Биласизми, бугун кунига ўзини овоза қилишдан чарчамаётган пиарчиларнинг, ахборот хизматлари мутасаддиларининг аксариятида асосий муаммолар ушбу зикр этилган жиҳатларда кўринаётир: матн тузиш, хатосиз ёзиш, фактларни тўғри жойлаштириш, ўзи ишлаб турган соҳасига оид муаммони тўғри талқин қилишда…

Демак, жамиятнинг ишончли саводли асосий тоифаларидан бирига айланди – матбуот журналистикаси! Инкор этиб бўлмайдиган факт!

Шундай экан… Бугун матбуотнинг тақдирига билиб-билмай фол очаётганларга айтар сўзларимиз бисёр.

Соф журналистика қайғуси

Одамни ижтимоий тармоқларда, турли давраларда тобора фаоллашиб бораётган баъзи ёшларимизнинг ажабтовур фикрлари сергаклантиради. Улар орасида ҳар қандай мавзуга “эксперт”лик “салоҳияти”ни даъво қилувчилар тобора кўпайиб бораётганини айтинг…

Биласиз, бирламчи ахборот асосий тасаввурни шакллантиради. Баъзилар бирон воқеа ёки ҳодиса ҳақида фикр юритар экан, истиҳолага ҳам бориб ўтирмайди. Шунчаки, “бақир-чақир”га тўла ёки нафратга йўғрилган сўзлар билан ўша ҳолатга изоҳ беради, ўзининг ҳақиқатпарварлигини исботлаш учун ҳам “ур-ҳо-ур” усулини қўллайди, бу шов-шувларга ўч бўлган оломоний фикр эгаларига роса ёқадиям, илк бор дуч келган одамда ҳаммаси ҳақиқатдек тасаввур уйғонади.

Аммо ижтимоий оламни “портлатиш” шавқи билан тўйинтирилган бундай хабарларнинг қанчаси рост, қанчаси ёлғону, қанчаси бир ёқлама бўлиб чиқаётганига энди-энди ажабланмай ҳам қўйдик. Баъзида эса бундай шов-шувлар замирида бирон-бир раҳбарнинг обрўсини тўкиш, одамларнинг шахсий муаммоларини ошкор этиш йўли билан бадном қилиш каби чиркин мақсадларни англаб қолганингдан кейин одам ижтимоий тармоқнинг ҳамма гапига шубҳа билан қараб қолар ҳам экансан.

Яна ҳам кишини сергак торттирадиган жиҳат шундаки, ижтимоий тармоқлардаги нафақат имловий, балки барча жабҳалардаги саводсизлик масаласи, умуман, савод масаласининг нечанчи ўринга тушиб қолганини барчамиз кўриб турибмиз.

Тўғри, бу соф журналистика эмас. Аммо журналистиканинг қаттиқ нонини еб юрган минглаб ҳамкасбларимизни қийнаётгани, бугун жамият айни шу ҳолатни “журналистика” дея қабул қилишга “ҳозирлик кўраётгани”дир.

Ахир ҳар бир соҳа ўзига хос бир фан. Уни аввал ўқиш, ўрганиш, унинг маълум бир сирларини билиш талабини ҳали ҳеч ким бекор қилмаган. Нега бу ҳақда жиммиз?

Наздимда, биз бўлажак журналистларга, яъни олий ўқув юртлари талабаларига қандай қилиб бўлса ҳам одамларнинг ишончини қозониш, эътиборига тушиш илми – пиар қилиш сирларидан аввалроқ ижод кўникмаларини, адабиётдан, воқеа ва ҳодисаларни холисона ёзиш, воқеликка баҳо берганда танганинг икки томонини ҳам ўрганиш каби талаблардан, шунингдек, ифода услубларидан моҳирона фойдаланишдан сабоқ берсак, адолатдан бўлса керакдир! Ўйлайманки, бу борада мен таъкидлаётган асл журналистика бош манба бўлиб хизмат қилади.

Илдизга болта

Энди ижтимоий тармоқларда пайдо бўлган босма нашрларнинг ашаддий “дўст”ларига эътибор беринг: уларнинг баъзилари “ўзимизнинг болалар” – бир вақтлар матбуотда ишлаб кўрган, эплаб кетолмаган, иши юришмаган, сафдан чиқариб юборилганлар. Ҳа, “сопи” “ўзимиз”дан чиққан. Уларни биров танимайди, “танимаслиги”ни “тан олмайди”, деб айтсак, янаям тўғрироқ бўлади. Яқинда ана шу қавмга “мансуб” бир йигит телевидениеда чиқиб ўта “ақлли” гапларни гапирди. Кейин унинг айни шу йўналишда илмий иш қилаётганини айтишди. Ажойиб! Ўша йигит илмий ишни қайси манба орқали ёзмоқда экан? Шу инсофданми энди?

Асли бу фикрдошларнинг асл мақсадлари нима ўзи? Эътиборга тушишми? Ахир бу обрў олиб келадиган гапми бу ожизликнинг ўзгинаси эмасми, ҳа, ростдан ҳам, ўз оёғига ўзи болта кўтариб турган бефаҳм болани эсга соладиган ожизлик.

Мен бир газета бош муҳаррири сифатида нашрнинг мазмун-мундарижаси, дизайни, таҳлил ва таҳрирдаги камчиликлар учун, қолаверса, жанрларнинг умуман йўқолиб кетаётгани, замон билан ҳамнафас форматлардан фойдаланилмаётгани борасидаги танқидингиз бўлса, тинглашга розиман, бу реал танқид.

Сиз аввал газеталарни ўқинг, уларни фарқланг, уларнинг қай биридир, ростдан ҳам умуман ёпилишга лойиқдир. Буни инкор этиб бўлмайди. Қай бирлари эса жамиятга мана-ман деган сайтингиздан кўра кўпроқ фойдали ишларни қиляпти. Шунинг учун ҳам сиз газетачиликка тош отишдан олдин ўрганинг ва айнан танқид қилинг, масала қўйинг, муаммони ечишнинг йўллари ҳақида айтинг, қабул қиламиз, муҳокама қилишдан қочмаймиз. Бу борада сиз қанча танқид қилсангиз, бу тўғри бўлади. Бу соҳанинг ривожланишига хизмат қилади. Ана ўша ҳақиқатдан ҳам ривожланиш эвазига, зора, биз ҳам оёққа туриб олармиз, газеталарнинг электрон шакллари, янгича форматлари пайдо бўлар, фикрлашимиз ўсар…

Аммо қани ўша дўстона, асосли танқид, журналистикага нисбатан ички жонкуярлик?

Биз жамиятни янгиламоқчимизми, замонавий фикрли, уйғониш авлодини вояга етказмоқчимизми, унда маърифатни инкор этмаслигимиз лозим. Маърифатни ҳозирча кенг тарқатаётганлардан бири матбуот, ҳа, айнан босма матбуотдир.

Биз, бугунги баъзи “қавм”лар тушунчаси билан қаралса, бу курашнинг бошида турганлар ҳақида ҳам ўз фикримизга эгамиз. Шундай экан, бир-икки одамнинг манфаати, ожиз нафси эвазига жамият учун муҳим бўлган бутун бошли соҳанинг қурбон бўлиб кетишини тасаввурга ҳам, мантиққа ҳам сиғдириб бўлмайди.

Бунга уринишнинг ўзи бир ақлсизликдир.

Ҳақиқатдан қўрқувчилар…

Биз жамиятни, ёшларни билиб туриб, атай газетадан, айтиш мумкин бўлса, энг катта маърифатдан узоқлаштирдик. “Маърифат” газетасининг ўтган уч йиллик сонларини олиб бир варақлаб кўринг, мен уларни тайёрлашга кетган шунча кўз нури, изланишлар, ижод машаққатларини кўз олдимга келтирар эканман, мактаблардаги обунани йўқ қилганларнинг сиймосида маърифатнинг, маорифнинг энг ашаддий душманларини кўргандек бўламан. Бунда муболаға йўқ. Бугун ўша жимитдек жамоа – маърифатчилар қилган ишни ҳеч ким қилаётгани йўқ. Ўқитувчиларга адабиётни ҳам, фалсафани ҳам, ижод завқини ҳам, педагогик услубларни ҳам шу газетачалик бирон-бир муассаса, вазирлик тушунтира олаётгани, ўргатаётгани, энг ёмони, бу ҳақда ўйлаётгани ҳам йўқ. Мана – фожиа қаерда?

Бу битта газета. Бундай нашрлар озми? “Маҳалла” газетасини сўнггги йилларда “АиФ” билан солиштира бошлагандик. “Миллий тикланиш”даги ўзига хос топилмалар, услубни кўз-кўз қилса арзийди. Бундай нашрлар етарли. Бор! Фақат буни кўра билиш, тан олиш, бу ижодий ва муҳими, тоза кучдан фойдаланиш, уни жамият равнақи йўлида сафарбар этиш йўқ! Муассисларнинг бу борадаги дунёқараши эса онгли инсонни узоқ ўйланишга мажбур қилади…

Босма нашрларга очиқдан-очиқ қарши чиқишларни кўриб, турли хаёлларга боряпмиз ҳам , рости…

Фикрлаб кўрайлик. Битта таҳлилий мақолани ёзиш учун журналист озмунча тер тўкмайди. Жумладан, муаммони ўрганади, таҳлил қилади, солиштиради, турли вариантларда ёзади, таҳрир қилади. Бунинг машаққатини залворли, таҳлилий мақола ёза оладиганлар билади!

Сиз муҳаррир сифатида уни эълон қиласиз ва кутасиз, ахир жиддий муаммони очиб ташладингиз, унда муаммо билан бирга, унинг ечимини ҳам кўрсатдингиз. Аммо… Қани энди унга бирон мутасадди бир қараб қўйса…

Ахир муаммо нима учун кўтарилди, биз очиқлик, деб нимага бонг уриб ётибмиз, холислик ва очиқликдан мақсад ўзи нима, дейдиган зот йўқ! Ваҳоланки, хорижий сайтлар бир неча бор “Ishonch” материалларини кўчириб босишганида реакция бўлди, бўлганда – қандоқ!

Бу нимани англатади?

Кўп нарсани англатади!

Таассуфки, бугун журналистларни тинглаш эффекти етишмаяпти, деб айтишга мажбурмиз. Бутун бошли вазирликлар биз кўриб турган муаммолар (аслида уларнинг муаммолари) бўйича айтилаётган жўяли таклифларга жавоб беришга қодир эмаслар. Ҳа, айнан қодир эмаслар! Бундан бошқа сўзни айтолмайман.

Мана, масалан, “Ishonch” газетаси ўтган тўрт йил давомида маориф соҳасидаги ўнлаб ўта долзарб муаммоларни кўтариб чиқди. Аммо қани энди уларнинг лоақал бирон-тасига одам қониқадиган жавоб берилган бўлса! Вазирлик омманинг эътиборини керакли-кераксиз лойиҳалари билан чалғитди, лекин асл муаммолар муаммолигича қолди, улар борасида жўяли иш қилинмади. Ваҳоланки, таҳририят эълон қилган мақолалар бирон ғарб матбуотида берилганида эди, шубҳасиз, ўша мамлакат маорифи мутасаддилари жамоатчиликка изоҳ берган, бу борада кескин қарорлар қабул қилинган бўлар эди.

Ғарб олийгоҳларида ўқиб келган зукколар нега бизда бу тажрибани қўлламайдилар, ажабо! Ахир, бундан жамият, соҳа ютарди. Газета ҳам ўз вазифасини бажарган бўларди, жамиятда эса ўз-ўзидан газеталарнинг мухлислари кўпаярди, адолат тантана қиларди ва ҳоказо… Айнан мана шу – керакмас кимларгадир!

Ёки! Ёки яна бир мисол, бутун бошли бешта марказий газетада эълон қилинган “Ҳақиқатга тик боқинг, жаноб!” деб номланган мақолани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири жавобсиз қолдиришини қандай изоҳлаш мумкин? Шу энди очиқликми? Президент матбуотда эмас, ҳатто ижтимоий тармоқда соҳага тааллуқли бирор луқма бўлса, жавоб берасан, деб топшириқ бериб турибди, бутун бошли бешта матбуот органи эълон қилган эътирозлар жавобсиз қолди. Шулардан кейин яна очиқлик индексида кўтарилишни кутишга ҳақлимизми?

Мана шунча гапдан кейин матбуот кимларга халақит қилмоқда, газеталарнинг тезроқ кунпая-кун бўлишини кимлар кўпроқ хоҳламоқда, деган саволга жавоб ҳам келади-да, ўз-ўзидан!

Жавоб шундай: матбуот керак эмас, деб бонг ураётганлар ҳақиқатдан қўрқувчилардир!

Ахборот иккиламчи, таҳлил муҳим

“Билағон” биродарларимизнинг кўпчилигида битта аргумент бор: матбуот тезкорликда орқада қолмоқда. Яъниким, бугун бўлиб ўтган воқеа ҳақида орадан уч кун ўтиб берилган хабар кимга керак? Жон бордек бу мулоҳазаларда, тўғрими? Лекин эътироз бор. Мана, мушоҳада қилайлик.

Аввало, информация, яъни биз ахборот деб айтадиган товарнинг тезкори бор ва умуман кераги ҳамда нокераги ҳам бор. Ҳар қандай оммавий ахборот воситасининг қиймати унда берилаётган ахборотларнинг истеъмолчига кераклиги, муҳимлиги ва тезкорлиги билан ўлчанади. Интернет пайдо бўлиши баробарида тезкор ахборот тушунчасига ёндашув ўзгарди.

Аввало, бугун телеграм каналлари орқали ҳар қандай рост ва ёлғон (тўғриси шундай) хабар яшин тезлигида тарқалмоқда. Кейин ёлғон жойлари олиб ташланяпти, тузатиляпти ва ҳоказо. Қолаверса, сиз йигирмата телеграм каналига аъзо бўлсангиз, битта тўғрилиги исботланмаган хабарни, яъни ўша “тезкор ахборот”ни йигирма марта ўқишингизга тўғри келяпти. Шундай эмасми?

Шарт шундай экан, аввало, бундай “тезкорлик” кимга ва нимага керак? Қолаверса, бу қарашда тезкор ахборот беришда нафақат газета, телевидение ҳам орқада қолаётган бўлиб чиқяпти. Чунки Ўзбекистон телеканалларини қўятуринг, ҳатто Россиянинг ишонган ахборот менежери ҳисобланган НТВ ҳам тонгдаги воқеликни кечга бориб эфирга узатади. Бугун нафақат бир ҳафтада бир чиқадиган газеталар, балки кунига 24 соат эфир берадиган ўнлаб телеканаллар, радиоканаллар ҳам ҳатто оддий ахборот бермаётган экан, унда нега, олайлик телевидение ҳақида бу эътироз кўтарилмаяпти?

Бори шу! Бу имкониятлар чегараланганлик ҳолатида матбуот аналитикага, яъни таҳлилга ўтди, ҳисоб. Америкада ҳам, Японияда ҳам шу!

Хабарингиз борми, маърифатли жамиятларда газеталарга обуна тезкор равишда кўпаймоқда. Япония, Жанубий Корея, Туркия каби мамлакатларда газеталарга оммавий қайтиш бошланди. Бунинг замирида нима турибди?

Менинг ишончим комилки, бу жамиятнинг маърифатлилик даражаси билан боғлиқ ҳолат. Бунда давлатнинг ҳам катта ҳиссаси бор, бу шубҳасиз. Демак, газеталарга жаноза ўқишни тўхтатиб туришга тўғри келади.

Дунёнинг ривожланган давлатларидаги матбуотга қайтиш, яъни матбуот эҳтиёжи нимани англатишини мушоҳада этайлик. Назаримда, бу айни маърифат ва вазминликка эҳтиёж билан боғлиқ.

Янгиланиш фурсати

Очиқ айтганда, мен касбдошларимнинг кўр-кўрона газеталар ўлмайди, деб шовқин солишларига ҳам қўшила олмайман. Газеталар, худди бошқа ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари қатори фаолиятини тўхтатади, қачонки, моли ўтмаса, бу маҳсулотларга эҳтиёж мутлақо йўқолса… Виждонан айтганда, масалани айни шу жиҳатига қараб қўйилса, бу ҳам адолатдан бўлар эди.

Газеталаримиз сони янада камайиши мумкин. Яшириб нима қиламиз, уларнинг кўпчилиги ўқилмайди. Ўқийдиган қийматга эга эмас. Бугунги кун истеъмолчисининг талаб ва таклифлари ўрганилмай чиқарилмоқда. Одамларни нималар қизиқтираяпти, деган саволга жавоб йўқ. Чунки… буюртмачининг ўзи маърифатдан узоқ. Газетага, таҳририятларга айни улар яратаётган маҳсулот нуқтаи назаридан эътирозлар билдириб бориш, уларни жонлантиришга мотивация шаклланмаган, аниқроғи, бундай ёндашувлар бугун умуман йўқ.

Биз газеталаримизнинг дизайни, қиёфаси ҳақида, журналистиканинг ранг-баранг жанрлари имкониятларидан фойдаланишни тизимли таҳлил қилиш ва йўлга қўйиш борасида ишламаяпмиз. Ҳозирга келиб бармоқ билан санарли қолган устозлар билан маҳорат дарсларини етарли даражада ўтказиб, ҳақиқий журналистиканинг сир-синоати, керак бўлса, бу фаннинг тилсимлари ҳақида билишни истамаяпмиз. Мана шу каби муаммоларни ҳал этишни ўйлашимиз керак. Назаримда, бугун ўзбек журналистикасида, унинг ҳар бир тармоғи, йўналишида бу жуда катта муаммо бўлиб турибди.

Обуна, о, бу – на?

Эҳҳҳ, бу ҳақда гапиргим келмаяпти…

Обуна ҳақида жуда кўп гапирдик. Унга қарши бутун бошли арбоблар ишлашди. Барака топишсин! Лекин аслида бу матбуотнинг бош оғриғи эмас.

Моҳиятан, мажбурий обуна – бизнесдир! Унинг жуда катта фойдаси матбуотга ва матбуотчига, аниқроғи, журналистга айтарли етиб келмаган. Ҳозир ҳам баъзида ҳокимликлар рўйхат асосида эскича усул билан қилаётган обуна кампаниясининг замирида, ўлсин агар, газеталарни ривожлантириш мақсади турганига ишонмайман. Шу боис бу борада ҳам бироз жиддийроқ бўлайлик, журналист ҳамиша ҳам емаган сомсасига пул тўлайвермасин!

Матбуотга кўп нарса керак эмас, сиз унга қулоқ солинг, унинг қонуний талабига жавоб беринг, унинг ўз вазифасини сидқидилдан бажаришига монелик қилманг. Шунда у ўзини-ўзи боқади ҳам, ривожланади ҳам, жамият тараққиётига катта хизмат қилади ҳам.

Ҳусан ЭРМАТОВ.
“Ishonch” газетасининг
2022 йил 21 апрель
50-сонидан олинди.

ЖАСОРАТ

ТОҒАМ

Ўтган якшанба куни болалар билан пойтахтимиздаги “Ғалаба боғи” га бордик. Бу ерда бўлган одам, энг аввало, тинч осмонимиз, осуда кунларимиз, тўкин дастурхонларимиз учун шукрона қилади. Шундай юртда яшаётганимиздан фахрланади. Негаки боғдаги барча экспонатлар, ёвуз урушнинг оқибатлари, ўша пайтдаги куй-қўшиқлар, ҳарбий техника ва қурол-яроғлар, меҳнаткаш халқимизнинг уруш ва уруш ортидаги заҳматларига гувоҳ қилади гўё...

Яқиндагина “Илҳақ” бадиий фильми орқали танишганимиз — матонатли Зулфия она Зокирова бутун ўзбек аёлларининг садоқати рамзи сифатида турибди.

301 нафар қаҳрамон хотирасига экилган дарахтлар, афсонавий ўзбек генерали Собир Раҳимов ва унинг ёнида ўзбек жангчилари бугунги тинчлигимиз нақадар буюк неъматлигини минг карра англатаётгандай...

Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари қаторида эса тоғам — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Шоди Шоимовнинг ҳам борлиги жуда фахрлантиради.

Ҳар гал боққа борсам Шоди Шоимов деб ёзилган оқ мармарнинг ёнида ёки музейга кираверишдаги ўнг томонда кичкинагина белкуракчаси билан немисни ураётган солдат павильони ёнида узоқ қолиб кетаман.

Ёнидаги ўқ ва гранаталари тугагач қўл жангида бир пайтнинг ўзида 13 та немис солдатини енгган, деган ёзувни қайта-қайта ўқийман, шу йигитча менинг тоғам, — шаҳрисабзлик қаҳрамон Шоди Шоимов бўлади.

Не тонгки, бор йўғи 17 ёшида урушга кетган, қорачадан келган, чайир, раҳматли Каттаэнамнинг айтишларича қўрқмас, жудаям қайсар “газанда” лақабли шаҳрисабзлик болани кўргим келаверади. Рўйхатларда номини кўрсам беихтиёр кўзларим ёшга тўлиб онам раҳматлининг “Чимилдиғам кўрмадия” деб йиғлаганларини эслайвераман.

— Урушнинг нималигини тушуниб етганмикан, она, — деб сўрасам, — ёшлигида ота-онадан етим қолди, аввал поччам, кейин опам кетма-кет ўтиб қолдилар, рўзғор бошига тушди, катталарга ўхшаб рўзғор учун чопадиган бўлди. Ўзини ҳар ёнга уриб бир бурда нон топиш илинжида ҳаммоллик қилди. Кимнингдир ерини чопиб, кимнингдир ўтини ўриб рўзғорга қарашиб турди.

Бир куни ҳамма тилловарларимни йиғиштириб бир қоп буғдойга алиштириб келдим. Қопни Шоди осонгина елкасида кўтариб уйгача обкелди. Шунда ёш бўлса ҳам ишлаб елкалари пишганига гувоҳ бўлдим. Кўп ўтмай қаҳатчилик жонига теккач урушга кетаман деб туриб олди, худди у борса ҳаммаёқ тинчийдигандай “военкомат”га бориб ёздириб келди. Кўп ўтмай чақирув қоғоз келди, ҳаммага ўхшаб албатта қайтаман, деб урушга кетди.

Шоди Шоимов 1925 йили Шаҳрисабзнинг Арабон қишлоғида туғилган эди. Шу ердаги Тельман номли мактабда ўқиган.

Мактаб ҳозирам бор. Тала-тумлардан, буз-бузлардан омон ўтиб келяпти.

Онам ҳам шу мактабда ўқиганлар.

Қачон шу кўчадан ўтсак онам раҳматли “Ана, мани мактабим”, дердилар, шундан биламан Шоди Шоимов шу мактабда ўқиганлигини.

Минг афсуски, совуқ уруш ёшу қарини ҳечам аямаган...

Дарҳақиқат, 1937 йил Шоди Шоимовнинг отаси, 1939 йил эса онаси оламдан ўтишади. Уйда синглиси тўрт ёшли Тиловат билан чин етим бўлиб қолишгач, икки норасидага бир муддат Худойберди тоғаси, Зухра холаси ғамхўрлик қилиб туришади. Сўнгра Зулайҳо холасининг уйига кўчиб ўтишади.

Тоғам урушга кетгач биринчи хатида “Фрунзе деган жойдаман, милтиқ отишни ўрганаяпман”, деб ёзган экан. Кейинги хатларида ҳам ҳарбий машқлари ҳақида ёзиб турган. Ўша хатлар шаҳрисабзлик журналист Шарофжон Орифийнинг қўлига берилган. Чунки Шарофжон Орифий урушдан кейин Шоди Шоимовнинг изларини излаб Могиловскийга борган. Адиб бу ҳақда 1977 йил менга совға қилган “Бир томчи қон” китобида ҳам батафсил сўз юритган.

Шундай қилиб Шоди Шоимов бошланғич ҳарбий тайёргарликдан ўтиб 385-ўқчи дивизиянинг 1266-ўқчи полкида автоматчи сифатида жангга киради. Белоруссияни фашистлардан тозалаш операцияларида иштирок этади.

1944 йилнинг 27 июнида 1266-ўқчи батальони олдига Белоруссиянинг Могилёв вилояти Дашковка қишлоғи яқинида Днепр дарёсини кечиб ўтиш ва асосий кучлар етиб келгунича уни ушлаб туриш вазифаси қўйилган эди.

Шоди тоғам кўнгилли бўлиб дарёнинг ўнг соҳилига сузиб ўтиш таклифини беради. Унинг Шаҳрисабздаги Танхоз дарёсида баликдай сузиб катта бўлганини қаердан билсин, рота командири рози бўлмайди.

— Илгари дарёда сузганмикин, ўзи, — деб эътироз билдиради.

Аммо қайсар бола, бу вазифа ўта хавфли эканлигини билса-да, Шаров деган сафдоши билан биргаликда ўзини сувга ташлайди. Нариги қирғоққа сузиб ўтиб Дашковка қишлоғи яқинида Днепр дарёсини кечиб ўтиш ва асосий кучлар етиб келгунича кун бўйи уни ушлаб туришга эришади... Унинг қаҳрамонлиги билан 1266-ўқчи полки тезкорлик билан дарёнинг нариги соҳилига талафотсиз ўтиши таъминланади. Дашковка қишлоғи яқинида дарё устида портлатишга мўлжаллаб турилган кўприк омон қолади.

Ва биз юқорида тилга олган қўл жанги шу вақтда юз беради. Бу билан Шоди Шоимов минглаб дивизия жангчиларининг талафотларсиз кўприк устидан ўтишларига имкон яратади.

Шоди Шоимовга ўқ тегмайди, фақат курашда қаттиқ жароҳат олиб 1944 йилнинг 28 июнида вафот этади. Қишлоқ аҳли ҳурмат-иззат билан уни шу жойда дафн этадилар...

Вафотидан сўнг Совет иттифоқи Қаҳрамони унвони, Ленин ордени ҳамда “Қизил юлдуз” медали билан тақдирланади.

1266-ўқчи полки командири Коновалов унвонга тавсия этар экан, шундай сўзларни ёзади:

“1944 йил 27 июнда батальон Днепр дарёсини кечиб ўтиб, асосий кучлар етиб келгунига қадар плацдармни ушлаб туриш вазифасини олди. Душманнинг шиддатли ўт зарбаси остида батальон дарёга яқинлашиб кела олмади, Днепрнинг чап соҳилида ерга ётиб олди.

Ўртоқ Шоимов кўнгиллилардан бўлиб дарёнинг ўнг қирғоғига ўтиш истагини билдирди. Ўзи билан автомат, ўқ-дорилар олиб, ўртоқ Шаров билан биргаликда дарёга ўзини отди. Душманнинг ўқ ёғдириб туришига қарамасдан дарёнинг ўнг соҳилига етиб олишга муваффақ бўлди. Кечиб ўтган мард жангчиларимизни сезиб қолган душман уларни йўқ қилиш ва миналаштирилган кўприкни портлатиш учун автоматчилар гуруҳини ташлади.

Ўртоқ Шоимов мардлиги, матонати боис кун давомида душманнинг кичик гуруҳлари ҳужумини қайтариб турди. Кун охирида қатъият билан душманнинг ўт очиш нуқталарига зарба берди. Ва душман сафида саросималикни келтириб чиқарди. Юзага келган қулай вазиятдан фойдаланиб батальон роталари қисқа муддатда дарёни кечиб ўтди. Кечиб ўтган жангчиларни Шоимов душман истеҳкомларини штурм қилишга бошлади. Ўқ-дориси тугаб қўл жангига киришиб кетди ва 13 фашистни яксон қилди. Ва ушбу жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Кўрсатган жасорати учун Шоди Шоимовни Совет иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этаман”.

Ҳа, тоғам Шоди Шоимов 1945 йил 24 март куни вафотидан сўнг юксак мукофотлар билан тақдирланди.

...Турсунтош момом неварасидан кўнгли тўқ эди. Ерга урса кўкка сапчийдиган боласини одамлар “Тегирмонга тушса бутун чиқади” деб таърифлашларини биларди. Шу боис урушни тугатиб қайтади, деб қатъий ишонган эди. Кўнглини бузмади. Аммо Шодисидан қора хат келди.

Айвон тўла одам неварасининг мардлигини, ўлимга тан бермаслигини қайта-қайта айтсалар-да, ўзини ўнглолмай ётиб қолди.

Кейинчалик арабонликлар Турсуной момомни “Герой момо” деб чақиришар эди.

Инобат ОЙДИН.

МУРУВВАТ

СИРДАРЁЛИК МЕЦЕНАТ

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида аъло баҳоларга ўқиган, жамоат ишларида фаол қатнашган талабаларга Навоий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби стипендиялар таъсис этилганини яхши биламиз. Бироқ жамиятимизда шахсий жамғармасидан аълочи ўқувчилар учун стипендия таъсис этган ҳотамтой инсонларнинг борлигини кўрсак, кўнглимиз янада кўтарилади.

Ҳакимжон Юнусов анча йиллардан буён “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келади. У киши халқимизнинг: “Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом” нақлига амал қилиб, ўзи таҳсил олган Боёвут туманидаги чекка Мингтерак қишлоғидаги 49-умумий ўрта таълим мактабига мунтазам равишда ёрдам қўлини чўзиб келади. Унинг илк ҳомийлик ишлари мактаб заллари ва синф хоналарини тасвирий тарғибот воситалари билан безашдан бошланган эди. Бора-бора ҳомийлик ёрдамининг кўлами кенгайиб борди. Шу пайтгача Юнусов томонидан мактаб кутубхонасига 2 миллион сўмликдан зиёд бадиий китоблар совға қилинди. Адабиёт ва маданиятга яқин киши эмасми, ҳар чоракда мактабда таниқли ёзувчи, шоир ва журналистлар билан учрашувлар ўтказишга бош-қош бўлиб келмоқда.

“Сахийнинг қўли очиқ, қўли очиқнинг йўли очиқ”, дейди доно халқимиз. Бундан уч йил муқаддам Юнусов ўз шахсий жамғармасидан юқори синфларнинг аълочи ўқувчилари учун стипендия жорий қилди. Ҳар чоракда уч нафар ўқувчига 500 минг сўмдан стипендия беришни таомилга киритди. Кейинчалик стипендияга тақдим этиладиган ўқувчилар сони кенгайиб борди.

— Сўнгги йилларда стипендиатларни 5-11-синф ўқувчилари орасидан танлаб олишни йўлга қўйдик, — дейди мактаб директори М. Мирзаев. —Ўқитувчилардан ташкил топган нуфузли ишчи гуруҳи она тили, математика ҳамда Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича ўқувчилардан олинган назорат ишларини адолатли ва шаффоф тарзда таҳлил қилиб, Юнусов стипендиясига муносибларни танлаб бермоқда.

Яқинда мактабда III чорак якунларига бағишланган катта йиғин бўлиб ўтди. Унда Ҳакимжон Юнусов танловда биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаган 5-синф ўқувчилари Маҳлиё Азимжонова ва Шаббона Аҳроқуловаларга I ва II даражали дипломлар, бадиий китоблар ҳамда 500 000 сўмдан пул мукофоти, учинчи ўринни эгаллаган 7-синф ўқувчиси Сайёра Норқуловага эса, III даражали диплом ҳамда бадиий китоблар тўпламини тантанали равишда топширди. Боз устига, яна беш нафар аълочи ўқувчига Юнусов томонидан бадиий китоблар билан “Ташаккурнома”лар инъом этилди.

— Қани энди Ҳакимжон ака Юнусовга ўхшаб мактабга ёрдам қўлини чўзадиган ҳомийлар сафи кенгайса, — дейди тадбирда иштирок этган халқ депутатлари Боёвут тумани Кенгаши депутати Жумабой Раҳмонқулов. —Таълим тизими янада гуркираб ривожланиб кетарди. Зеро, Президентимиз: “Бутун умид сиз, ўқитувчилардан” деб турган бир пайтда устозларнинг қанотига киришдан ортиқ бахт борми?!

— Ҳакимжоннинг бу саъй-ҳаракатларини мен юксак ватанпарварлик намунаси деб баҳолайман. Ҳотамтойнинг серҳафсалалилигига қойил қолмай илож йўқ. Ҳатто танлов ғолибларига махсус медаллар ҳам дарж эттирган. Ишончим комилки, Юнусов стипендиясига мушарраф бўлган ўқувчилардан келажакда юрт корига ярайдиган етук мутахассислар етишиб чиқажак, — дейди фахрий педагог Қурбонбой Мирзаев.

— Ҳакимжон Юнусовнинг ҳотамтойлиги фақат ўзи ўқиган мактабга ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолмаган, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, шоир Абдуғани Абдураҳмонов. — У вилоятимиздаги журналистлар ва ижодкорларга ҳам жилд-жилд бадиий китобларни совға қилиб туради. Шу ўринда қизиқ бир фактни келтиришни жоиз деб биламан. У қизини узатганида кўрманага мўъжазгина кутубхона ҳадя этганига гувоҳман.

Ишлаб чиқариш йиғилишларидан бирида Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев раҳбарларни Ҳакимжон Юнусовдан ўрнак олишга, ўзлари таҳсил олган мактабларга тез-тез ташриф буюриб, беминнат ёрдам қўлларини чўзишга чақирди.

Муҳаммадали АҲМАД,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

ХОРИЖДА

САМОЛЁТЛАР АВТОБУСЛАРГА АЛМАШТИРИЛМОҚДА

– АҚШ авиакомпаниялари учувчилар етишмовчилигига дуч келмоқда. Бу парвозларни тезлаштиришни мураккаблаштириб, ўқув дастурларини кучайтиришга, чет эллик учувчиларни ёллашга ва ҳаттоки самолётларни автобусларга алмаштиришга мажбур қиляпти, – дея хабар бермоқда “Bloomberg”.

АҚШ Федерал меҳнат статистикаси маълумотларига кўра, мамлакат йўловчи ташиш авиасаноати 2030 йилгача ҳар йили ўртача 14 500 нафар янги учувчига муҳтож. Кадрлар билан боғлиқ бу муаммо тез орада тугаши даргумон. Саноат учун учувчилар етишмовчилиги натижасида кўплаб авиакомпаниялар ўз режаларини амалга ошира олмаяпти.

– Кейинги беш йил ичида бу муаммонинг ҳал бўлиши қийин масала, — дея муносабат билдирган United Airlines Holdings бош директори Скот Кирби.

Пандемия даврида кўплаб авиакомпаниялар ўз учувчиларига маошларини тўлай олмади. Айнан шунинг натижасида айрим учувчилар ишдан кетишга қарор қилди. Мана энди орадан икки йил ўтиб компаниялар етарли даражада малакали учувчиларни топа олмаяпти. Баъзи авиакомпаниялар рейслар ўрнига чартер автобуслари билан ишламоқда. Жумладан, “United” авиакомпанияси Форт-Коллинз шаҳрида жойлашган “Landline” компанияси билан шартнома тузиб, йўловчилар ва уларнинг юкларини қисқароқ йўналишлар бўйича автоуловда ташимоқда.

БМТ АҚШНИ АФҒОНИСТОНГА ҚАРШИ ЧОРАЛАРИНИ ЮМШАТИШГА ЧАҚИРДИ

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари АҚШ ҳукуматига Афғонистон Марказий банкига тегишли бўлган хорижий активларни блокдан чиқариш юзасидан мурожаат қилди.

“Интерфакс” нинг БМТ манбасига асосланган хабарига кўра, умумий қиймати 7 миллиард доллар бўлган ушбу маблағ ночор ҳолатдаги афғон халқининг моддий таъминоти учун муҳим ҳисобланади.

– Биз Афғонистонда кучайиб бораётган иқтисодий инқироздан хавотирдамиз. Минтақадаги қурғоқчилик билан бирга АҚШ томонидан мамлакатга қарши кўрилаётган чоралар вазиятни янада ёмонлашишига сабаб бўлмоқда, – дейилади БМТ экспертларининг қўшма баёнотида.

ЕИ МАМЛАКАТЛАРИ КЕЛИШОЛМАДИ

Европа дипломатияси раҳбари Жозеп Боррел томонидан Украинадаги “махсус ҳарбий операция” туфайли Россия нефти ва газига тақиқ қўйиш ғояси Евроиттифоқ мамлакатлари томонидан етарлича қўллаб-қувватланмаганлиги маълум қилинди, дея хабар бермоқда “Die Welt” газетаси.

– Нефть ва газ импортини тўхтатиш ёки жарималар киритиш Владимир Путинга босим ўтказиш ва уни музокаралар столига жалб қилишда муҳим ўрин тутган бўларди. Аммо ҳозирда бу масалада ягона позицияга эга эмасмиз, — деган Боррел.

Унинг сўзларига кўра, алянснинг айрим аъзолари энергетика эмбаргосини қўллаб-қувватлашга тайёр эмаслигини очиқ-ойдин маълум қилган. Шунингдек, бу мавзу Евроиттифоқнинг 30-31 май кунлари бўлиб ўтадиган саммитида яна муҳокама қилинишини таъкидлаган.

Газета берган хабарга кўра Евроиттифоқнинг айрим мамлакатлари Россия нефти ва газидан воз кечишга қатъиян қарши чиқмоқда. Асосан, Германия ва Австрия муқобил манбалар топилмагунича импорт тўхтатилишига қаршилик билдираётгани айтилган.

“BYD” “TESLA”ДАН ЎЗИБ КЕТДИ

Американинг “Time” журналида ҳар йили эълон қилинадиган дунёнинг энг нуфузли 100 та компанияси рўйхати бу йил жуда кутилмаган маълумотларни кўрсатди. Негаки бу рўйхатда на “Tesla” на “General Motors” на “Volkswagen” унга киритилмагани. Эҳтимол, уларнинг сўнггги муваффақиятлари у қадар таъсирли бўлмагандир?

Аммо Хитойнинг “BYD” компанияси билан бирга “Ford”, “Rivian” компаниялари рўйхатда етакчи ўринларда турибди ва бу тасодифий эмас. Негаки, автомобиль саноатида ҳозир эътибор биринчи навбатда электромобиллар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларга қаратилган.

“Ford” “яшил” ҳаракатчанликни ривожлантириш, электрлаштириш ва “Ford F-150 Lightning” пикапининг аккумуляторли версиясини жорий қилиш билан бу рўйхатда бўлиш шарафига муяссар бўлди. Аммо бу автоуловчиларнинг фақатгина экологик тоза эканлиги билан эмас, балки нархи билан ҳам боғлиқдир. Жорий йил январь ойида бу компания ишлаб чиқарган замонавий машиналарининг ўртача нархи юз миллиард доллардан ошган ва ҳаммани ҳайратда қолдирган.

Интернет маълумотлари асосида Камолиддин ДАВРОНБЕКОВ тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Гидрометеорология касб-ҳунар коллежи томонидан Шамуратов Жавлонбек Хамдамбек ўғлига 2020 йилда берилган К №5971400 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент тиббиёт академияси томонидан Ибрагимова Зулфия Маратовнага 2011 йилда берилган М №058837 рақамли магистр дипломининг кўчирмаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Бўка туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Менглибоева Васила Халиловнага берилган 11-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги А №458459 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги №264 умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2002 йил Примқулова Алия Бердибековнага берилган O’R-E №0143206 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олмазор тумани ХТБ тасарруфидаги 261-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2011-2012 ўқув йилида Абдуқодирова Муқаддас Абдурахим қизига берилган UN-5728081 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2010 йилда Абдураимов Улуғбек Музаффар ўғлига берилган К №1865324 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2019 йилда Абдураимов Отабек Музаффар ўғлига берилган К №5776193 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЯНГИ КИТОБ

Газетамизнинг фаол муаллифларидан бири Ҳамидулла Акбаровнинг янги “Мароқли фасллар, эъзозли мусоҳиблар” китоби “Адабиёт” нашриётида чоп этилди. Қуйида ушбу китобнинг мухтасар бир қисмини сиз муштарийлар эътиборига ҳавола қилдик. Кўп йиллик ҳаёт, қизғин фаолият босқичлари, ота улфатлари, она дугоналари, шунингдек, муаллифнинг замондошлари билан бўлган мусоҳаба, сўзлашув иштирокчиларининг портретларига оид – сўз ила ифода этилган чизгилар ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Шундай лавҳалардан бирида академик Юнус Ражабийнинг мусиқашунос Илёс Акбаров ҳамда композитор, этнограф Ҳафия Муҳамедова хонадонида бўлган мулоқоти қаламга олинган.

ШИРИНСУХАНЛАР ГУРУҲИ

...Юнус Ражабий “Оқ мачит” маҳалласидаги уйимизга очиқ чеҳра билан “Илёс ака!”, деб кириб келардилар. Отамиз “Мени “ака” деманг, ўн икки ёш кичикман сиздан”, дейишларига қарамай, “Сизни “Илёс” деб чақиролмайман. Шунга кўникинг” деб айтардилар. Кунлардан бир куни кула-кула эшикдан кириб келдилар:

– Илёс ака, келинни – Ҳафияхонни чақиринг, гапим бор, – деб ҳовлидаги супада ҳикояларини бошладилар. – Кечки пайт уйга қайтиб, калитим билан эшикни очсам, димоғимга шароб ҳиди урди. Кимнингдир хурраги эшитилиб турибди. Ҳайрон бўлдим. Уйимизда бундай алпозда ухлайдиганлар йўқ эди-ку! Меҳмонхона бўш, ётоқхона ҳам. Ошхонага кирсам музлатгичнинг эшиги очиқ, чироғи ёниқ, столда эса совутгичдан олинган мусаллас, “закуска”нинг қолдиғи. Кимдир каттароқ ўриндиққа ўтириб олиб, бошини столга қўйганча, бемалол ухлаб ётибди. “Кимсиз? Тонг отди...” деб уйғотмоқчи бўлган эдим, кўзим стол тагидаги бўғчаларга тушиб қолди. Очиб қарасам, кеннойингизнинг бисоти бирин-кетин чиқиб келяпти... Демак, ўмарган... Чой қўйдим. Дастурхон ёздим. Хуррак эса тинмайди. Келинойингиз келди. Ҳаракатимни кўриб, “Ким у? Нима ҳаракат?” деб деразаларни оча бошлади. Қўявер, бироз тин олсин, улфатим, деб қўя қолдим. Хуллас, кайфини буздим, шекилли, секин-аста уйғонди. Кўзини очиши билан тугунларга ёпишиб, “урра” қочмоқчи. “Шу бўғчалар сизга керакми? Шошманг, олиб кетарсиз. Алмисоқдан қолган лозим бор, киярсиз. Дока рўмол бор, ўрарсиз. Ғирчиллама, амиркон маҳси бор, калиши бўлмаса ҳам киярсиз, деб “меҳмон”ни ўтказдим. “Мендан ёшроқ кўринасиз, чойдан қуйинг”, деб дамланган чойни олдига суриб қўйдим. Койимадим. Насиҳат ҳам қилмадим. Фақат таажжубланганимни айтдим. “Ўмаришмиди ниятингиз? Ўмариб кетавермайсизми? Нега бировнинг уйида, ошхонасида ичасиз? Хуррак отиб ухлайсиз, хонадонимизнинг ҳавоси билан шаънингизни ҳам булғашни ўзингизга лойиқ топибсиз, баракалла”, – дедим. Фотиҳа ўқишим билан эшик қолиб, кириб келган тешиги томон кетяпти. Йўл буёқда, дедиму, қўлига бўғчаларни тутдим. “Олмайман”, деб эшик томон отилган эди, дўқ қилдим – “Олмасанг миршаб чақираман!” Тўхтади. Топганингизни олиб кетинг, деб қўлига тугунларни тутқаздим. Келинойингиз “Берманг, нима қилади уни”, деганича қолди.

Ҳикоя давомида икки бор чой дамлаб келдим. Юнус ака мириқиб сўзлар, кутилмаган меҳмоннинг хатти-ҳаракатини, гоҳ ҳайрон бўлгани, гоҳ қўрқув аралаш дудуғланиб нималарнидир айтишга уринганини, айниқса, йўғон хурракни “ижро” билан кўрсатиб, талаффуз этиб йиғилганларни кулдирган, ўзлари ҳам мириқиб хохолаган эдилар.

– Қайтиб келмадими “меҳмонингиз?” – сўрадилар отам.

– Меҳмон кунда келса қадрини йўқотади, – Юнус аканинг жавоблари ҳар галгидек тайёр эди. – Кечагина ташриф буюриб, уйимизда ўзини-ўзи меҳмон қилса, икки тугун совға-саломлар билан уйига кетса-ю, яна меҳмонга отланса, инсофдан бўлмас.

– Инсофлилари ҳам бўларкан, Юнус ака. Миртемир домлани тунашганини эшитмаганмидингиз? Ярим кечада ширакайф шоир уйига келаётса, икки томонидан икки барзанги чиқиб, йўлни тўсибди. Домла писанд қилмай тураверибдилар. Чўнтаклари бўм-бўш экан-да. Ҳеч вақо тополмай, бир-бирига қараб турган туновчиларни ҳайрон қолдириб, таклиф киритибдилар:

– Сизлар ҳам не ниятлар билан кўчага чиққансизлар. Тағин ярим кечада! Тунаган одаминглардан ҳеч нарса унмади. Юринглар уйга. Ақчадан қолган бўлса, бош устига. Қайтармаслик шарти билан бераман.

Бевақт келган меҳмонларни уйдагилар танимаса-да, илиқ кутиб олишибди. Домланинг буюртмалари билан картошка, гўшт қовурилибди. Меҳмонлар зўр иштаҳа билан танавул қилиб, шоирдан, уй бекасидан кўзларини яширкмоқчи бўлиб бироз ўтиргач, қўзғалибдилар. Шунда Миртемир рафиқасига: “Тахмондаги атлас кўрпанинг тагида пул қолганди, олиб чиқинг” деб қолибдилар. Хуллас, уйдаги бор маблағни тунги меҳмонларга бериб, хайрлашибдилар. Бу воқеага чамаси икки-уч йил бўлган.

Яқинда шоир худди ўша аҳволда уйлари томон кетаётсалар, ланг очиқ эшик олдида икки бақувват йигит нималардир солинган қоп, темир банка, бўйрага ўралган яна бир нималарни галма-галдан ташиб, ўзаро маслаҳатлашиб турганини кўриб, бирпас кузатгач:

– Нима гап? Кўчиб келаяпсизларми бизни уйга? Ёки биз кўчиб кетаяпмизми? – деб сўраганларида, улар:

– Домла бормисиз! Танимадингиз бизни. Ёдингизда бўлса, сизни тунамоқчи бўлгандик. Меҳмон қилиб, қўлимизга пул бериб уялтирган эдингиз. Ўша кундан кейин иккимиз ҳам бу ишни ташладик. Йўлимизни топиб олдик. Қарзимизни оз бўлса-да, узайлик деб келдик, – дейишибди.

Бу сўзларни тинглаб турган шоир йигитларни эслай олмабдилар. Уйга олиб кириб китобларидан ҳадя қилибдилар.

– Қизиқ бўлган экан. Миртемирни кўриб тураман. Бир оғиз айтмайди-я. Тафсилотларини сўраб оламан. Ҳафияхон, рафиқасини қаранг вақт ярим кечадан ўтган бўлса-да, маззали таом келтирса. Жиз-биз устига пул билан ҳам сийласа. Дарвоқе, яқинда ўчоқ ёқиб ўтирмаймиз, шекилли. Газ келармиш.

– Ўзингиз кўрдингизми?

– Эшитдим. Электр плитага ўхшаган, ундан анча каттароқ, стол-курсидек мослама бўларкан. Қулоғини бурашингиз билан гугуртни ёқиб тутатишингиз керак экан. Дарҳол ёқмасангиз портлаб кетармиш.

Отамиз хавфсираб:

– Балки газни олмай турармиз, – деб қолди.

Юнус ака:

– Зўр ёнади дейишади. Ўтин, керосин ҳам керакмас. Тутун ҳам чиқмас экан.

– Бошқа шаҳарларга ҳам борармикан? – Гапга аралашди онамиз. – Анча бўлди, андижонлик, марғилонлик аёллардан халқ қўшиқларини ёзиб олмоқчи бўлиб борганимизда хотин-қизлар ўчоқ бошидан чиқмай, ўтин, ғўзапоя, похол, таппи ёқиб тирикчилик қилишларини, қозон қайнатишларини кўриб кўп ачингандим.

– Тошкентда ҳам аҳвол шу-ку! – эътироз билдирди Юнус ака.

– Бизда ҳар қалай кўмир бор, электр қуввати бисёр, дўкондан навбат кутиб бўлса ҳам керосин олса бўлади, – деб қисқагина жавоб билан чекланмоқчи бўлган композитор-этнограф Ҳафияхон Муҳамедовадан Юнус ака маълумот олмоқчи бўлдилар:

– Ашулани қандай ёзиб олдинглар? Ҳамроҳингиз Романовская ўзбек тилини билармиди?

– Тилни тўла ўзлаштирмаган, лекин маданиятимизни ўрганган, таомилимизни билган, унга амал қилган аёл эди. Муқаддас Қуръонни биларди. Ўзбек куйларини севиб хиргойи қилиб юрарди.

– Рус аёли-я! Қайси куйларни севарди?

– Кўп қўшиқларни ёддан биларди – сўзини ҳам, оҳангини ҳам. Айниқса, “Ёр-ёр”ни берилиб айтарди.

– Ўша жараён қандай кечган? Шу ҳақда кўп ўйлайман. Балки ёзиб олинган қўшиқларни жамлаб, китоб ҳолида нашр қилиш керакдир.

– Лутфихоним Саримсоқованинг Андижондаги уйида бўлганимизни кўп эслайман. Хонанданинг ҳаракатлари, сўзлари ҳозир ҳам кулги уйғотади. Шокилали зирак таққан, ироқи дўппи кийган, узун, тим қора сочларини орқага ташлаб олган Лутфихоним аввалида бироз таажжубланди. Мени эслагандек бўлди. Чунки, кўришгандик. Лекин пешонасига тўр дуррачани танғиб олган рус аёлини кўриб, ҳайратомуз тикилиб қолди. Салом-алиқдан кейин нима важдан келганимизни тушунтирдим:

– Қўшиқларингизни нотага олишга келдик. Ҳамроҳим Елена Евгеньевна Романовская. Петербург консерваториясини битирган. Ҳозир Тошкентда истиқомат қилади. Куйларимизни ёқтириб қолган. Қуръонни билади. Ҳозир водийда аёллар айтаётган қўшиқларни ёзиш билан бандмиз.

– Осон бўлмаётгандир. Аёлларимиз жуда тортинчоқ-да, – мезбон ичкарига таклиф этганча, тинимсиз савол бераверди. – Тўй-ҳашам, қизлар даврасида тенгдошларимни, ёш қизларни ўртага тортмоқчи бўламан. Ҳеч унашмайди. Қандай кўндираяпсизлар?

– Қайси хонадонга бормайлик, бажонидил сўрашиб, дастурхон ёзиб, чой узатишади. Лекин “Бир жуфт ашула айтиб беринг, дугоналарингиз сизни тавсия этишди”, деб илтимос қилсак, дуррачалари билан юзларини беркитиб “Во-ой, ким айтди? Ашулани, ўйинни билмайман. Артистлар бор-ку, ўшаларга айтинг. Қойил қилиб айтиб беришади”, деб ҳеч кўнмайдилар.

Лутфихоним:

– Сиз билан бир марта учрашганимдан кейин улар дарҳол ўртага тушиб, ўйнаб, хиргойи қилиб, катта ашулаларни баралла айтиб бериши амри маҳол. Яна ёнингизда ўрис аёл бор. Ўша хотин-қизлар сиз кетганингиздан кейин эшикни тамбалаб лапар ҳам айтишади, дугоналари билан аския ҳам айтишади. Шўх водийнинг қизлари. Фарғонача рақс тушишини айтмайсизми?

Бундай тавсия ва изоҳдан кейин Лутфихон ая деворга осиғлиқ дуторни олиб, уни шунақанги сайратдики, биз опа билан (Елена Евгеньевнага шу тарзда мурожаат этардим) шошиб қолдик. Чамадондан метрономни олиб ишга солишга уриндик. Оҳангнинг янграш суръатини белгилайдиган учбурчак шаклидаги бу асбоб – метрономни кўриб, ҳайрон бўлиб ижрони тўхтатдилар. Билмас эканлар. Тебрангич турли ритмда тебранишини, куй маромига мослана олишини тушунтирдик. Нота тагига кичикроқ патнис қўйиб, янграётган товушларни махсус белгилар билан қоғозга тушира бошладик. Қўшиқлар кетма-кет айтилди. Шоша-пиша биримиз ашуланинг сўзини, биримиз эса оҳангини илғаб олиб, нотага муҳрлаш билан банд бўлдик.

Ҳафияхон Муҳамедова шу ерда ҳикоясини тўхтатиб, атрофдагиларга мурожаат этди. Узр сўрагандек бўлдилар:

– Зериктириб қўймадимми? Баъзи тафсилотларни эслаш ортиқча кўринар. Юнус ака нима дейсиз?

– Сиз айтаётган тафсилотларни барча бастакор ҳам, мусиқашунос ҳам, қоларверса, тингловчи ҳам билиши керак. Ҳамза билан бирга бўлган, унга шогирд тушган Лутфихоним Саримсоқова билан ўтган кунларнинг ҳар бир дақиқасини тиклаш, қоғозга тушириш зарур, деб ўйлайман. Илтимос, ҳикоянгизни давом эттиринг. Ҳеч қисқартирмай айтинг. Иложи бўлса, тилга олган куйларингизни ҳам эслатинг.

– Бўлмаса, суҳбатни ичкарида – пианино ёнида давом эттирсак, – деб онамиз ҳаммамизни унча катта бўлмаган хонага бошлади.

Икки тахмон, бир чўян печка, катта кароват, қадимги китоб жавони. Қоғоз ва китоблар, қалам, пероли ручкаларга тўла ёзув столи – шулар орасида қопқоғи очиқ, қоп-қора пианино савлат тўкиб турарди. Онамнинг нозик бармоқлари эски, лекин жарангдор овозини йўқотмаган пианининг клавишларига текканида шинамгина хонага яна файз киргандек бўлди. “Омон ёр”, “Қилпиллама ёр”, “Барно йигит”, “Фабриканинг йўлида рўмолча топиб олдим” қўшиқларининг оҳанги янгради. Ижро давомида изоҳлар берилди.

– Лутфихон қўшиқларни айтиб бўлгач, ёнимизга келди. Нотани қўлларига олиб ҳайрон бўлдилар: “Шу нуқталар билан ашулаларимни ёзиб олдингизми?” – деб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Чамаси, “ҳаракатингиз беҳуда” демоқчи бўларди.

– Бизга ишонмаяпсиз, шекилли – шубҳа билан қараяпсиз ёзувимизга. Оҳанг ҳам, айтилиш ритми, сўзларига урғу бериб талаффуз этилишигача ёзиб олинди.

– Йўғ-е.. Айтиб бера оласизми? Ижрода, куйда ҳеч янглишмайсизми?

– Сизникидек янгроқ овозим йўқ. Лекин шубҳангизни тарқатиш учун уннаб кўраман – дедим-да, аянинг қўлидаги дуторга ишора қилиб, – дуторингизни ишонасизми? – деб сўрадим.

Мезбон бизни фақат ёзувчи, шарҳловчи, мусиқа тўпловчи сифатида қабул қилган экан, шекилли, таажжубини яширкмай, созини узатди. Дуторни қўлга олиб қайта созладим. Бизга тикилиб турган мезбонга водийда ёзиб олинган “Ёр-ёр”ни турли оҳангда, ранг-баранг сўзлар билан айтилишини эслатдим. Хонанда ва созанда бағримга босиб олган дутор косасида ҳаракат қилаётган бармоқларимга қараб кўзларига ишонмай ўтирди. “Ёр-ёр”нинг эркакларга хос йўллари бошланиб, мен сунъий равишда баритон овози билан айтмоқчи бўлганимда, мезбон “Кўп яшанг! Бормисиз!” деди-ю, ўзи ҳам қўшилиб эркаклар айтадиган “Ёр-ёр”ни баланд овоз билан ижро эта бошлади. Бизга таниш бўлган куй ўзгача сўз билан айтилди. Биз Романовская билан бир-биримизга ишора қилдик-да, Л.Саримсоқова ижросидаги “Ёр-ёр”нинг яна бир нусхасини ҳам ёзиб олдик. Фурсат ўтмай ҳозиргина нотага олинган куй-қўшиқларни попурри шаклида кетма-кет чалиб, ашуласини ҳам айтдик. Шунда ая ўрнидан туриб, юзини-юзимга қўйиб:

– Айланай сиздан! Шундай иш билан бандмисиз. Авлодларимизга етиб борадими биз айтиб юрган ашулалар? – деди-ю, гоҳ дуторни, гоҳ эса оддий ликопчани чертиб кетма-кет халқ қўшиқларини шунақанги берилиб, эҳтирос ва назокат билан айта бошладики, биз Елена опа билан товушни нотага олиш, шеърий мисраларнинг ўзига хос талаффузини – транскрипциясини қоғозга муҳрлашни унута ёзибмиз.

* * *

Саратоннинг жазирама иссиқ кунлари отам билан Юнус Ражабий узоқ сафарга отланиб қолишарди. Ёз чилласини Кисловодск ёки Ялтадаги “Ўзбекистон” санаторийсида ўтказишни афзал кўриб, бир неча ҳафта тараддуд кўришарди. Халқ мусиқасига оид маълумотлар, бир ашуланинг нотадаги, ижродаги турли кўринишларини тасдиқловчи манбалар, кўп йиллардан бери таъқиб этиб келинган Фитратнинг мусиқа ҳақидаги китобчаси, “Хоразм танбур чизиғи”га оид ноёб тадқиқотнинг қўлёзма нусхаси, шунингдек, нота ва оддий оқ қоғозлар боғлами билан бирга девзира гуруч, зира, янчилган райҳон онамиз тайёрлаган халтачаларга солинарди. Юнус ака, айниқса, “Жамбил эсдан чиқмасин, шўрва, хўрдага маза киритадиган жамбил бўлади” деб, бу хушбўй ўсимликни кўтариб келганларида ҳайрон бўлардик: дам олишга кетишяптими булар ёки ишлашгами, ижод қилиш ниятидами ёки пазандалик санъатини намойиш этиш режаси борми? Катта чамадонлардан бири бўш кетарди. Серфарзанд, сернабира Юнус ака таажжубланганимизни кўриб:

– Қайтганимизда хонадонимизга яқинларим ҳол-аҳвол сўраб келишади. Қўлимга қарашади. Болаларим, уларнинг болалари, Худога шукур, кўп эмасми, рўмолнинг ўзидан камида 20 та олишим керак. Бу ёғини ўзингиз ҳисоблайверинг, ўша куни катта қозонда камида ўн кило гуруч дамланади, деб фарзандлари, набиралари, келин ва куёвларини тилга олар эдилар.

Шундай тараддуд кетаётган кунларнинг бирида Юнус ака чорак литрлик ароқни кўтариб келдилар. Шиша идишдаги суюқликни чайқаб:

– Мана бу қурғурни холодильникка қўйинг, бундан кўпроқ ичсак ишлай олмаймиз, – деб кичкинагина, пастқам ошхонада савлат тўкиб турган катта, оппоқ совуткични олдига бориб, эшигини очиб-ёпиб қўйдилар. – Маҳалламизда ҳам бирикки хонадонда бор бу ускуна. Қўни-қўшни гўшт, сут-қатиқни иссиқда сақлай олмай, бизникига олиб чиқадиган бўлишибди. Холодильникни эшигини очганимда ўйлаб қоламан: қайсиниси бизники-ю, қайси бири қўшниларники, кўпинча ажрата олмайман.

Юнус ака лағмонни ёқтиришларини билиб онамиз дарҳол опалари Вочкияхонга мени жўнатардилар. Отам эшик тагига бир-икки ҳовуч сув сепардилар-да: “Шалаббо қилиб сув сепдим, у қуриб қолмагунича қайтиб келасан” дердилар. Қанчалик тез югурмай, уйга қайтганимда сув қуриб қолган бўларди. “Оқ мачит” билан “Баланд мачит”нинг ораси анчагина масофа эди-да.

Ўша куни лаззатли таомдан кейин шақиллаб қайнаб турган самовар хонтахтадан ўрин олди. Онамиз грузин чойини дамлаб, катта пиёлаларда узатаётганларида Юнус ака мушоҳада қилдилар:

– Бизда куй, оҳанг, катта ашулалар нотасиз ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаверган. Европада нота, бизда танбур чизиғи пайдо бўлиб, маълум ва машҳур куйлар қоғозга тушириладиган бўлди. Комил Хоразмийга қойил қоламан: анча мураккаб “Рост” мақомини ўзи ихтиро қилган усулда муҳрлаб қолдирган-а?! Ишини охиригача етказмаган бўлса-да, йўл кўрсатилган...

– Ўзингиз яхши билган Виктор Успенский Фитратнинг таклифи билан Бухорога бориб, мақомни нота белгилари билан ёзиб олган. 1925 йили уни Москвада нашр ҳам қилган. Ҳиндистонда рақамли система қўлланилишини биламан. Лекин бизда нота ёзувини жорий этиш осон бўлмаяпти. Мусиқадан саводи чиқмаганлар кўпчиликни ташкил этади. Созанда, хонандалар ҳам нота махсус белгиларининг қўлланилишини, ноталар гуруҳланишини билмайдилар, умуман, мусиқани график белгилар билан ифодалашдан бехабарлар кўплигини ўзингиз ҳам биласиз, Юнус ака. Ҳатто бироз кулги уйғотадиган воқеалар ҳам рўй беряпти...

Уйимизга келган меҳмонларнинг аксарияти мусиқага у ёки бу даражада алоқадор эди. Улар воқеликни, муҳитни, ижод дамларини, мушоҳада дақиқаларини, ҳатто, кундалик ҳаётда рўй бериб турадиган воқеаларни визуал тарзда, яъни кўриш қобилиятлари билан ёхуд вербал воситаларда, яъни айтиладиган сўз орқали қабул қилиш билан чекланмасдилар. Улар бир ритмда янграб турадиган доира зарблари ёки патнисга, ликопчага, хонтахтага бир маромда урилаётган кафт таратадиган жарангсиз товушнинг бир маромда эшитилиб туриши, ҳатто, бўш пиёла завқ билан чертилиши рақсга, ашулага, мусиқа чалишга ундабгина қолмай, ҳикояга жўр бўлишини истардилар. Балетмейстер, халқ артисти Исохор Оқилов бундай ритмга чидаб тура олмас, кичкинагина ҳовлимизда шунақанги рақс тушар эдики, йиғилганлар ўринларидан туриб кетар, кимдир қарсак чалиб, бошқалар ўртага тушиб уста раққосга шерик бўларди... Бастакор, созанда Набижон Ҳасанов келганида эса кўпроқ сукут сақлаб, ўзлари жажжи темир қафасда олиб келган саўвани бизнинг уйимиздаги қушчалар билан бўладиган чақиришмасини, бир-бирларига товуш беришини тинглаб ўтирардилар. Кетаётганларида арзанда қушчаларини бизнинг сайроқилар катагига қўйиб юборар ёки у ердан бир жуфтини олиб кетардилар...

Ўша “мусиқали соатлар”нинг олий мақсади бўлган экан. Ҳаётий ижро, унга жўр бўладиган жисмоний ҳаракат баландпарвоз сўзларга, бақирув-чақирувга, нигоҳлар кескин равишда ўзгариб туришига, бўрттирилган имо-ишорага муҳтож эмас экан.

Онамиз Сора Эшонтўраевани драматик театр актрисаси сифатида қадрлаш билан бирга бу мусиқа шайдоси куйдан озиқ олишини билар, бинобарин, бундай арбобларнинг ижодига турли санъатлар нуқтаи назаридан қараш лозимлигини айтмоқчи бўлардилар...

Ўз-ўзи билан бўлиб, олтмиш ёшига қадар уйланмай ижод нашидасидан маст бўлиб юраверган Манас Левиев ҳамкасб дўстлари: Мутал Бурхонов, Сулаймон Юдаковни турмуш қуришга даъват этар, “икки нозанинни топиб қўйдим, бир кунда тўй қилиб икки композиторнинг бошини иккита, кечирасиз, тўртта қилиб қўямиз” деб “Тўйлар муборак”ни айтар, маликалар таърифини келтирар, ўзи ҳам “Сабъаи сайёр” достонида таърифланган Меҳридек оқила қизни излаб юрганини айтарди. Кейин жиддий оҳангда “Икром кўп ёзади, Мутаваккил ҳеч ёзмайди” деб И.Акбаров ҳамда М.Бурхоновни танқид қилгандек бўлганида, кулги кўтариларди. Чунки уларнинг биринчиси баъзан бўш пьесаларга ҳам мусиқа ёзар, иккинчиси эса йиллар давомида маҳсулот бермас, “Навоий” операси устида ўн йиллар давомида ишлаётганини назарда тутиб ҳақ гапни айтарди. Шунда “Ўзингиз-чи, ўзингиз кўп ёзасизми?” деган савол тушганида, Манас ака “Мен Мавлоно Алишер Навоий олдидаги қарзимни узиб олай, кейин саволингизга жавоб бераман” деганди.

Ижод аҳли ҳазил-мутойибага ҳамиша ўрин топган. Вақтини ҳам аямаган. Дўстининг кўнглини овлаб, жажжи саҳналар, эпизодлар яратган. Уларнинг айримларини қаламга олганимда, забардаст замондошларимизнинг улуғворлиги билан бирга ёш болалардек соддалиги, оқ кўнгиллиги, бетакаллуфлиги йирик асарларидагина эмас, ҳазилкаш дўстларига бўлган муносабатларида ҳам кўзга ташланар экан, деб мулоҳаза қилдим.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

ЭССЕ

Лолақизғалдоқ

ёки Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳақида билган ва билмаганларимиз

Улуғ тарихий, ижтимоий ҳодисалар ўз одамларини – ўз шоирлари, ўз сиёсатчилари, ижодкор фидокорларини яратади. Муҳаммад Юсуф худди истиқлол учун яратилгандек эди. У худди Маҳтумқулига ўхшарди. Шеърлари озод халқ орзулари билан туташиб кетган эди…

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Ўзбекистон Қаҳрамони, давримизнинг улуғ зиёлиси — Иброҳим ака ҳақ: дарвоқе узоқ йиллар биз учун самимий дўст ва сийли оға бўлган оташин шоир Муҳаммад Юсуфнинг шахсиятида ҳам, шеъриятида ҳам кўркам Копеттоғнинг турнакўз булоқларидан, азим Атрек ва Гургон дарёларининг зилол ирмоқларидан сув ичган файласуф шоир Фироғийнинг тақдирига ўхшаш тафсилотлар, қисматига ўхшаш қирралар бор эди. Бу биринчи навбатда инсон қадри учун сўз орқали кўтарилган исёнда кўринади. Буюк туркман файласуфи беадад армон билан:

Хуш қолинглар, энди, дўсту ёронлар,
Ишонманг, барчадан ўтар дунё бу.
Чора топмадилар ўтган валийлар,
Барчанинг бошига етар дунё бу.

– деб ёзса, орадан роппа-роса 200 йил ўтгач, унинг ўзбекистонлик забардаст издоши:

Донони хўрлаб тўймаган,
Ҳоли жонига қўймаган,
Шайтон билан ошиқ ўйнаган,
Пихини ёрган дунёсан.

– дея хитоб қилди. Гўзал, тўқ, тинч ҳаётга интилган лирик қаҳрамоннинг изтироби ҳар иккала банддаги орзуда аён кўзга ташланади. Навоийнинг нидосига, Фузулийнинг фарёдига, Тагорнинг туғёнига уланади. Ва ўтли қалам соҳиби ёғду ва қайғуларга қоришган йигирманчи асрнинг сўнгги чорагида туриб ушбу шафқатсиз хулосага келади:

Менинг йўлим узун армон,
Ўзим довон, ўзим карвон,
Мени саҳро тушунгайдир,
Сен, эй сарбон, тушунмайсан.

Яшириб нима қилдик: аслида биз билган шоир Муҳаммад Юсуф ва биз билмаган шоир Муҳаммад Юсуф бор эди. Биз билганимиз кўз ёшу илтижоларга ишонмайдиган пойтахт шаҳарнинг бир чеккасида жимгина ишлаб, жимгина ижод қилиб, дастлабки шеърларини газета-журналларга бериб-бермай юрган далли-девона шоир. Билмаганимиз ўзининг ижодини кўз-кўз қилишдан кўра камтарликни кўпроқ хуш кўрган 25 яшар азамат йигит. Эсимда: айнан ўша кунлари “Ёшлик” альманахининг бир сонида иккитагина шеъри суратсиз берилгану бўлғуси рафиқаси Назира Саломованинг шеърлари сурати билан берилган эди. Гап суратда эмас, адабиёт майдонига қараб қадам ташлаётган навқирон шоирнинг ички маънавий оламида эди. Унинг ўзи бу ҳақда очиқчасига шундай ёзади:

Менинг ҳақимдаги ғийбатлар ёлғон,
Ихтиёр ўзимда бўлса қанийди...

Инсон ўз орзуларининг қанотларини кенг керади. Аммо ҳамиша ҳам унинг изми, ихтиёри ўзида бўлмайди. Бу бевосита Муҳаммаджон акага ҳам, унинг атрофидаги яқин дўстлари – Абдунаби Бойқўзиев, Ғулом Фатҳиддин, укалари - Яҳё Тоға ва менга ҳам тегишли эди. Абдунаби ака Ленинградга, Яҳё жўрам Москвага ўқишга кетди. Ғулом эшон Риштонга, мен Элликқалъага туман газетасига ишга кетдик. Менинг кетишимнинг сабабларидан бирини 43 йилдан кейин ошкор қилмоқчиман. Гурунгларимиздан бирида Муҳаммаджон ака “Менга Шуманайдаги мактаблардан биридан иш топиб бера оласизми?” деб пичирлаб сўради. “Ҳаракат қилиб кўрайлик!” дедим. Эртасига почтамтга борсам, туман газеталаридан тузуккина қалам ҳақи келган экан. Ўша куни кечқурун Нукусга учиб кетдим. Бир йўлини қилиб Хўжайлигага етиб олдим. Бекатда талаба йигит билан танишдим. Эрталаб Киров номидаги давлат хўжалигининг “Мойлиўзак” деган бўлимига, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети филология факультети толиби, берунийлик дўстим Рустам Худойберганов пахта тераётган далага бордим. У бизнинг Киров номидаги жамоа хўжалигига қўшни “Правда” колхозида яшарди. Ҳали пионер пайтимиздан бир-биримиз билан ҳазиллашардик. “Мана, “отиз” (дала – муаллиф изоҳи) тўла қиз. Қайсинисини танлайсан?” деб кулди. “Ҳа, қиз танлашга келдим!” дедим. Муҳаммаджон аканинг илтимоси ҳақида оғиз ҳам оча олмас эдим. Тушга яқин туман маориф бўлимига бордим. Масъул шахс “Рус тили ўқитувчиси керак. Лекин бир ярим минг километр узоқда туғилган одамнинг бу ерга ишга келишини райкомга, обкомга қандай тушунтирамиз?” деди. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, Тошкентга қайтдим. Оғамга минг хижолат бўлган кўйи вазиятни тушунтириб, қўриққа туманга кетдим.

Ҳар замонга бир замон дейдилар. Орадан 14 йил ўтгач, пойтахтга қайтиб, “Туркистон” газетасига ишга кирдим. Кейин “Қишлоқ ҳаёти”га, сўнгра “Халқ сўзи”га ўтдим. Оғам азиз дўсти Сирожиддин Саййид билан “Тошкент оқшоми”да ишлаб, 1985 йили “Таниш тераклар”, 1987 йили “Булбулга бир гапим бор” китобларини чиқарди. Бора-бора Муҳаммаджон ака ҳаёти ва ижодининг юлдузли онлари бошланди.

— Бахт нимадир, эй одам?
— Бахт бир бурда қора нон.

деб ёзган ва “Тош шаҳрида уйи болохона” бўлган шоир оғамга пойтахтнинг нуфузли “Пушкин-Салор” мавзесидан шинам тураржой ажратилди. Беназир ижоди учун 1996 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. 1997 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари бўлиб сайланди. 1998 йили Халқ шоири унвони билан тақдирланишидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тугатди. Бироздан сўнг Чиноздан Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлди. Кетма-кет китоблари чоп этилди. 1999 йили Тўлепберген оға, Абдулла ака ва Муҳаммаджон аканинг саъй-ҳаракатлари туфайли каминаи камтарин ҳам уюшма аъзоси бўлдим. Бир куни “Уголок” кафесида қовурилган товуқ тановул қилиб ўтирганимизда оғам менга жиддий тикилиб, “Спорт ҳомийларидан бири ҳузурига таклиф қиляпти. Абдулла ака билан бормоқчиман. Нима дейсиз?” деди. “Ўзингиз биласиз, оға!” дедим. Ўша ҳомийлик эвазига шахсий автоулов – “Тико” харид қилди. Қатор теран мазмунга эга шеърлари тароналарга айланиб, муҳим давлат тадбирларида ижро қилинди. Уларда мустақиллик остонасида турган ўзбек халқининг энг эзгу орзу армонлари, изтироблари, интилишлари яққол ифода этилган эди. “Ўзбекистон”, “Ватаним”, “Халқ бўл, элим”, “Талабалар мадҳияси”, “Ўзбекнинг аёллари”, “Ўзингдан қўймасин, халқим” каби давр даъватига менгзаган шеърлари миллионлаб қалбларга муҳрланди:

Эрк водийси – заҳматларга сийловдир бу,
Той қоқилиб от бўлгувчи яйловдир бу,
Ранж чекмасанг нурли,
нурли тонглар қайда,
Синовдир бу, балки буюк синовдир бу.
Бош кетса ҳам қайтма энди сўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.

Ҳақиқатан ҳам янги аср бўсағасида ўзбек адабиёти бўстонида гужумдек гуркираб Муҳаммад Юсуф феномени пайдо бўлди. Бу асло муболаға эмаслигининг тасдиғи тарзида ўша бўстоннинг тўрт азим чинори, тўрт нафар қаҳрамон адибларнинг хулосаларини келтирмоқчимиз. Атоқли адиб Саид Аҳмад “Кейинги пайтда бирорта шоир Муҳаммад Юсуфдек тез ном чиқармаган, номдор бўлмаган эди” деса, ардоқли устозимиз Эркин Воҳидов “У биринчи қадамиданоқ юрт осмонида баланд парвоз қилгувчи, юракларга қанот бергувчи шеърияти билан элнинг оғзига тушди” деб эътироф этдилар. Мустақил мамлакат давлат мадҳияси муаллифи, азиз устозимиз Абдулла Орипов эса “Ҳали ёшлик йилларидаёқ бунчалик кўп мухлис орттирган, дўст-оғайниси бисёр ижодкорни кўрмаган эдим” деб ёзди. Алломалар алломаси Озод Шарафиддинов “Муҳаммад Юсуф деган шоир шеъриятга қандай кириб келганини адабиётимиз сезмай ҳам қолди. Аммо у тезда, ҳаммани ҳайрон қолдириб, оғизга тушиб кетди” деб тан олди.

26 апрель – Муҳаммад Юсуф таваллуд топган кун. Шу сана арафасида кўпчилигимиз атоқли шоирни эслаймиз, эсдаликларимизни қоғозга тушурамиз. Мени ҳайрон қолдирадиган жойи шундаки, бу кезлар умри бино бўлиб Муҳаммаджон ака билан бирор марта учрашмаган одамларнинг ҳам илҳоми “тўлиб-тошади.”

Энди ўз мавзуимизга қайтайлик. Оғамиз ҳаёт чоғи у билан кўп йиллар бир кулчани иккига бўлиб еган, бир жойда бирга ишлаган қадрдон дўсти, айни кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид “Устозлар изидан, сафдошлари билан ёнма-ён Муҳаммад Юсуф ҳам, таъбир жоиз бўлса, ўз шеърлари билан нурли кўприклар солиб, янги ёруғ йўллар очишга муваффақ бўлди.” деб ёзганида бир неча карра ҳақдир. Зотан бир қанча муаллифлар ёхуд адабиётшуносларнинг шоир адабий меросини адабиётимизнинг умумий боғидан айро ҳолда тавсифлашга, ортиқча баҳо беришга уринишини тўғри деб ҳисобламайман. Биз учун ҳазрат Навоий, ҳазрат Бобур, ҳазрат Огаҳий ҳам, оташнафас шоирлардан Чўлпону Усмон Носир, Ғафур Ғулому Ойбек, Миртемир ҳам, Жуманиёз Жабборов, Маъруф Жалил, Чўлпон Эргаш, Йўлдош Эшбек, Асқар Қосим ҳам, Зулфия, Саида Зуннунова, Ойдин Ҳожиева, Уллибиби Отаева, Назира ас-Салом ҳам бирдек қадрлидир.

Оғир тошни сув оқизиб кета олмайди. Кези келганда йигирманчи аср ўзбек адабиётига оид антологияларни, қўлланмаларни қайта тайёрлаш зарурати борлигини таъкидламоқчимиз. Айтайлик, беш марта қайта нашр этилган “Ўзбек адиблари” номли китоб профессор Собир Мирвалиевнинг беқиёс меҳнатидир. Бешинчи нашрда унга профессор Нуъмон Раҳимжонов ҳам катта улуш қўшдилар. Аммо ушбу ноёб нашрда ўтган асрнинг ўрталарида поэзиямизда юлдуздек порлаган шоирлар – “Эрон осмони остида” туркумининг муаллифи Мамарасул Бобоев ва Ўзбекистон Шўролар республикаси мадҳияси авторларидан бири Темур Фаттоҳ ҳақида бирор оғиз сўз йўқ. Ёинки турли авлодга мансуб сўз усталаридан Илёс Муслим, Жуманиёз Шарипов, Ўткир Рашид, Раъно Узоқова, Ёнғин Мирзо, Эътибор Охунова, Теша Сайдалиев, Душан Файзий, Низомжон Парда, Ошиқ Эркин, Нилуфар, Максим Карим, Иброҳим Дониш(рўйхатни узоқ давом эттиришимиз мумкин) асарлари ҳар қандай антологияни безамайдими? Безайди. Биз бу мулоҳазани фақат келгуси ишларни кўзлаган ҳолда билдиряпмиз.

Муҳаммад Юсуф феномени ҳақида гап кетганда унинг юртдоши, Халқ шоири Тўлан Низомнинг қуйидаги хулосаси ёдга келади: “Сатрлар қуйма, сўзлар халқона, фикрлар тиниқ, ҳароратли.” Гап шундаки, сўз заргари поэзиямизга Ҳалима Худойбердиева, Тилак Жўра, Азим Суюн, Мирпўлат Мирзо, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Муҳаммад Раҳмон ва бошқа қатор истеъдодли шоирлардан иборат қудратли авлоднинг ортидан кириб келди. Лекин у ўзидан бир кўйлакни олдин тўздирган Мирпўлат Мирзо таъкидлаганидек, “шу давр жаҳон шеъриятидаги турли оқимлар, тажрибалар, кескин эврилишларга эргашмасдан китобийликдан йироқ, халқ қалбига яқин” шеърлар битди. Шоир ижодининг ўзига хос олмос қирралари ана шунда мужассам:

Менинг кимлигимни
Билмайди ҳеч ким.
Мен бир ғалатиман,
Мен – алоҳида.
Кийиклар қонини
Келади ичгим,
Чаённи чайнагим
Келар гоҳида…

Шоир шахси билан лирик қаҳрамон ички олами барча замонларда адабиёт илмини ўйга солган. Юқоридаги сатрлардан келиб чиқиб таниқли мунаққид Умарали Норматов “Шоирнинг лирик қаҳрамони ғаройиб шахс” деган хулосага келиб, унинг ижодида “жаҳон янги шеърияти нафаси” ва “янгича шеърий тафаккур” эпкини пайдо бўлганига ишора қилади. Иккинчи атоқли мунаққид Абдуғафур Расулов эса “Шоир шеърияти – мукаммал вужуд: унда ҳар бир аъзо, асаб толаси, қон қатраси, киприкдан тирноққача аниқ вазифани бажаради.” деб ёзади. Учинчи тажрибали мунаққид Сайди Умиров шоир шеърларининг тавсифига “Табиий ва самимий, жозибадор ва мафтункор, таъмли ва тотимли, содда ва теран, халқона ва мардона” деган метафораларни қўшади. Учала устознинг муносиб издоши Адҳамбек Алимбеков эса шоир ижоди ҳақида тугал монография ёзиб, уни “Латиф шеърият” деб номлади. Асар адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

Муҳаммаджон ака “Тошкент оқшоми” газетасида ишлаганида мақолаларига “Мақсад Яхшиев” деган имзони қўярди. Мен у пайтлар “Оқшом”га, устоз Ўткир Ҳошимов ва Насриддин ака Муҳаммадиевнинг ёнларига тез-тез бориб турардим. Газетани варақлаб, ўша имзони кўрардиму ичимда мақсади яхши инсонларга ёндошишдир, деган хулосани чиқарардим. Кейинчалик бунга кўп бора ишонч ҳосил қилганман. Дастлабки даврда Муҳаммад Юсуфни кечқурунлари 41-15-86 рақамли телефондан топиш мумкин эди. Ундан бу рақамни олганману бу кимнинг уйи деб сўрамаган эканман. Қўнғироқ қилсам:

— Эшитаман, муллака! Ким керак? – деди салобатли овоз.

— Менга Муҳаммаджон ака Юсупов керак эдилар!

— Шоир Андижонга кетган эди. Сиз ким бўласиз?

— Қорақалпоғистонлик таниши бўламан.

— Ие, Нукусга борсанг, иним Жўлмирзага салом айт. Иттифоқ ёзувчиларининг биринчи съездида бирга қатнашганмиз!

Телефон-автоматнинг гўшагини қўйдиму бошимга биров гурзи билан ургандай бўлди. Шу тоб фазодан учар тарелка тушса-ю, мени Марсгами, Юпитергами, олиб кетса, у қадар ажабланмаган бўлардим. Менинг хаёлимда шўро ёзувчиларининг биринчи қурултойида иштирок этган ўзбек адиблари кўп йиллар аввал яшаган деган фикр бор эди. Қўнғироғимга жавоб берган одам мени роса лақиллатди, деб ўйладим. “Қорақамиш ½” бекатида автобусдан тушсам, шоир Турсун Али картошка харид қилаётган экан. “Қаердан келяпсиз?” деди. “Муҳаммад Юсуф турадиган уйга қўнғироқ қилувдим…” Чайналаётганимни кўриб шоир “Трубкани Назир Сафаровнинг ўзи олдими?” деди. Қотиб қолдим. Наҳотки, Турсуной Охунова ҳақида асар ёзиб, кейин машина теримидаги кўзбўямачиликка қарши чиққан адолатли ёзувчи, “Наврўз” романининг муаллифи билан гаплашган бўлсам-а. Кейин билсам, шоир кўпинча ана шу отахон адибнинг хонадонида, Бутлеров кўчаси, 17-уйда бўлар экан. Кўп ўтмасдан оғам қуйидаги сатрларни қоғозга туширди:

Термуламан, изларидан жим,
Боқиб кўзим толиб кетади.
Трамвайлар сени ҳар куни
Бодомзорга олиб кетади.

Тез орада Назир ота Муҳаммаджон аканинг энг яқин дўстларидан бири Абдунаби Бойқўзиев билан бирга бир-икки кило коньфету қанд-қурс кўтариб, Киров, ҳозирги Юнусобод тумани, Бодомзор мавзесидаги Боксёрлар кўчаси, 59-уйга совчиликка боради. Эшикни очган уй соҳибига:

— Ғайбулла Тожиддин ўғиллари ўзингиз бўласизми? – дейди.

— Қадамингизга ҳасанот! – дейди профессор Ғайбулла ас-Салом ва ошхона тарафга қараб буюради. – Чой дамла, қизим!

Шу тариқа ўша қиз яъни Назира ас-Салом Муҳаммаджон акага оқила рафиқа бўлиб, 18 йил ширин чойлар дамлаб, бири-биридан гўзал қизларни дунёга келтирди. Мана, 21 йилдирки, азиз оғамнинг хотирасига эҳтиром бажо этиб келмоқда. Зиғирча бўлса ҳам миннат қўшмаган ҳолда айта оламанки, шу кунгача мен кеннойимизнинг ҳурматини жойига қўйиб келмоқдаман. Давлатимиз раҳбари шоирнинг оиласига Яккасарой туманидаги Юсуф Хос Ҳожиб мавзесидан шинамгина ҳовли берди. Янги хонадонда Назира опа ва фарзандларининг бир қанча қувончли кунларида иштирок этдик.

— Аллоҳнинг бандаси пешонасига нелар ёзилгани билолмас экан, – дейди шоирнинг рафиқаси, истеъдодли шоира, Муҳаммад Юсуф жамоат фонди раҳбари Назира ас-Салом.

— Тошкентнинг Навоий кўчасидаги кўпчиликка маълум 30-уйда, “Ўқитувчи” нашриётида ишлар эдим. Тушликка чиқаётганимизда бино йўлагида қорачадан келган, озғингина, истараси иссиқ, сочлари жингалакка мойил, кўзлари чақнаб турган йигит соат неча бўлганини сўради. Айтдим. У бир лаҳза кўзларимга тикилди-да, майин жилмайиб ўртоқлари ёнига кетди. Кейинчалик эшитсам, ўшанда дўстларига “Фалакнинг гардиши қай томонга айланишини билмадиму мен айнан шу қизга ўйланаман” деган экан. Тез орада тўйимиз бўлди. Фарзандлар туғилди. Неваралик бўлдик. Ўзлари Билол деб исм бердилар ва шу номда шеър ёздилар, мен чинорман, сен ниҳолсан, дедилар. У шеърда мени кўролмаслар кўп, нишларини аямасдан санчадилар, деган сўзлар ҳам бор. Начора, ҳаёт шундай экан, қийналдик, қоқилдик, қад тикладик. Бунда раҳматлик отам, йирик таржимашунос, фан доктори, профессор Ғайбулла ас-Салом бизга қўлқанот бўлдилар. У киши Хатирчида оддий оилада улғайиб халқимизнинг атоқли олими мақомига эришдилар. Фалокат оёқнинг остида бўлар экан: Муҳаммаджон ака ўзимизнинг автоуловимизда телевизоримизни тузаттириш учун телеательга олиб кетаётиб автоҳалокатга учрадилар. Тошкент тиббиёт институти клиникасида узоқ даволандилар. Унинг оёққа туришида машҳур тиб олими, профессор Дамин Абдураҳимович Асадовнинг хизмати катта бўлди. Авариядан хабар топган таниш-билишлар Тошкентга оқиб келди. Муҳаммаджон ака клиника палатасида шеър ёзиб, “Халқ сўзи” мухбири Озод Ражабовга берган интервьюсига қўшдилар. Сўнгги марта Қорақалпоғистонга кетганларида ҳам тоблари йўқ эди. “Сафарга бормасам бўлмайди!” деб туриб олдилар. Унга ва оиламизга чексиз мурувват кўрсатган ўша табаррук тупроқда оламдан ўтганини эса фақат Аллоҳнинг иродаси деб биламан!

Йўломон йўл, эломон эл қидиради. Энди Халқ шоири ҳаётининг сўнгги чоғларига холис тўхталишни лозим деб топдик. Чунки Муҳаммаджон ака — Муҳаммад Юсуф ҳаётининг айнан шу даврига оид ёзилган эссе, мақола, ёдномаларнинг ҳаммаси ҳам унча ҳақиқатга тўғри келмайди. Авваламбор Муҳаммад Юсуф ўша кезда Элликқалъага шунчаки боргани йўқ. Мен у пайтлари “Халқ сўзи” – “Народное слово” газеталарининг Қорақалпоғистон бўйича мухбири эдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Халқ сўзи” – “Народное слово” газеталари, Қорақалпоғистон ҳукумати Элликқалъада шеърият байрами ўтказиш бўйича меморандум имзоланди. 2000 йилнинг 12 июнь куни Ёзувчилар уюшмасининг “Мустақиллик майдони” метро бекати, Тошкент зарбхонаси ёнидаги биносида, раис Абдулла Ориповнинг кабинетида Муҳаммад Юсуф иккимизга қарата:

— Мени яхши биласизлар. Ёлғон гапиришни ёмон кўраман. Мен аслида Элликқалъага шеърият байрами деб эмас, у ердан чиққан табибга қизимни кўрсатиш учун бормоқчиман! – деди.

— Қачон жўнамоқчисан? – деб сўради Абдулла ака.

— Эртага!

— Унда менинг Рухсора қизимни ҳам олиб кетинглар. Қорақалпоқни кўрсин!

13 июнь куни Муҳаммад Юсуф Нукусга учиб кетди. 14 июнь куни Абдулла ака бошчилигида 15 кишидан иборат гуруҳ самолётга чиқдик. Самолёт ўрнидан қўзғалганида иллюминатордан ташқарига қарасам, аэропортга кечикиб келган шоир Азим Суюнга кўзим тушди. Шеърият байрамида Қорақалпоғистоннинг ўша кезлардаги раҳбарлари Тимур Камолов ва Аминбой Тожиевлар иштирок этишди. Тадбир юксак савияда ўтди. Ўшанда “Халқ сўзи” – “Народное слово” газеталари Бош муҳаррири ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шуҳрат Жабборов “Тадбирга беш нафар Халқ шоири келибди. Агар бир нафар Халқ шоири келганида ҳам тарихий воқеа бўлган бўлар эди!” деди. Ҳақиқатан ҳам байрамга 5 нафар Халқ шоири – Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Омон Матжон, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф келган эдилар.

Эртасига Тупроққалъа ва Аёзқалъани зиёрат қилганимизда Абдулла ака “Бугун менинг кўз ёшларим ичимга оқяпти. Чунки улар қувонч кўз ёшларидир. Мен бундай топ-тоза, яп-яқин ва мовий осмонни биринчи марта кўришимдир. Саҳрога қаранг, Биз бу саҳрони шунчалар гўзал деб ўйлаганмидик?” деди. Халқ шоири Усмон Азим “Абдулла ака! Илтимос, шу саҳрони менга совға қилинг!” деди ҳазиллашиб. “Ортингдан Бойсуннинг дашти эргашган эди. Бу саҳрони ҳам эргаштира қол. Бердик сенга. Маъқулми?” деб Қорақалпоғистон ҳукумати раисининг муовини Татлимурат Атамуратовга қаради. Татлимурат оға бош силкиб, кулиб юборди. Абдулла ака билан Тимур Камолович Тошкентда ёнма-ён яшардилар. Бир кун олдин “Кечқурун уйда, Нукусда кутаман!” деган эдилар. Абдулла ака билан Ҳанифа опа бир машинада, Муҳаммад Юсуф билан мен иккинчи машинада Нукусга отландик. Меҳмондорчилик авжига чиқди. Бир пайт Тимур Камоловичнинг ёрдамчиси кириб, менга “Сизни Тошкентдан сўрашяпти” деб шаҳар телефонининг гўшагини берди. Масъул ходим “Устозингизни тез аэропортдан жўнатинг. Эрталаб Душанбега учадилар!” деди. Қўл ювадиган хонада соқолини қиртишлаётган Муҳаммад Юсуф: “Нима гап?” деди. “Юқори”нинг топшириғини айтдим. Ўша оқшом устозни, Ҳанифа опани, Муҳаммад Юсуфни “АН-24” бортигача кузатдим. Кейинчалик Тўрткўл тумани ҳокими, Қорақалпоғистон ҳукумати раиси бўлган Турсунбой Тангрибергановнинг (у пайтлари иссиқхона директори эдилар) берет кийиб бортда ўтирган экан. “Сиз ҳам кетяпсизми?” деди. “Йўқ!” дедим. Кулимсираб қўйди. Қаҳрамон шоирга эҳтиром шу қадар юксак эди. Самолёт бортида Абдулла акага “Ибройим оғага саломингизни, узрингизни айтаман!” дедим. Устоз жилмайиб қўйди. Ва Ибройим оға билан ўша йилнинг 9 сентябрь куни ўша пайтлари катта идорада ишлаётган Аҳмаджон Мелибоев билан бирга келиб Нукусда, Бердақ номидаги театрда “Маманбий афсонаси” муаллифининг 70 йиллигида қатнашганида учрашди. Ва юбилей минбаридан туриб “Агар дунё халқларининг рамзий паради ўтказиладиган бўлса Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақнинг ортидан Тўлепберген ва Ибройим юрган бўларди!” деди. Бу беқиёс баҳо гулдурос қарсаклар билан олқишланди.

Шеърият байрамидан сўнг Муҳаммад Юсуф Элликқалъага ҳар ойда бир келадиган бўлди. Эҳтимол унинг бу ташрифлари ўн, йигирма, балки ундан ҳам кўп йиллар давом этган бўларди. Фақат ўша машъум авария уни тўшакка михлади. 2001 йилнинг 25 июлига мўлжалланган мамлакат ёш ёзувчиларининг “Ақчакўл илҳомлари” республика анжумани олдидан уюшма раисининг ҳузурида кенгашиб олдик. Тоби йўқлигига ишора қилсак, оғам Абдулла акага: “Устоз! Бу ёш ёзувчилар анжумани. Вазифамга кўра мен бормасам қандай бўлади?” дедилар. Менга қарата: “Янгибой оға! Ёмғир шаррос қуйиб турганида Тошкент вилоятига бориб, тарғибот ишига қўшилганингиз ёддан чиқдими? Сизлардан мен учун самолётга сарф-харажат лозим бўлмаса, борганим маъқул эмасми?” деди. Қайта эътироз билдиришнинг иложи бўлмади. Тангри таолонинг олдида адолат юзасидан қайд қилишимиз керакки, ўша чоғлари энди куртак отаётган миллий “шоу-бизнес” муҳити азиз оғамнинг феъл-атворига оз бўлса-да таъсирини ўтказган, саноқли кунлардан кейин “Зарафшон” ресторанида муаллифлик кечаси ўтказилиши ҳақида афишалар осилган эди. Ёш адиб Абдуқаюм Йўлдошев сценарий ҳам ёзган эди. Оғамнинг ўша давраларга кириб бориши унинг халққа кенгроқ танилишига йўл очиб берган бўлиши ҳам мумкин. Қолаверса у чоғлари ҳам, ҳозир ҳам “шоу-бизнес”да иймонли, эътиқодли инсонлар жуда кўп бўлган ва бўлади.

“Ақчакўл илҳомлари” тадбирига уюшма раиси билан бирга вилоят бўлимлари масъуллари Тўлан Низом, Тошпўлат Аҳмад ва бошқалар борди. Ҳабиб Саъдулла, Хосият Бобомуродова ва ўзи бошқа соҳада ишлайдиган шоир оқсоқол узрли сабабларга кўра самолётдан қолиб кетишди. Ўша оқсоқол бир неча марта “Муҳаммаджон менинг ўрнимга самолётга чиқди. Агар мен учганимда у омон қолар эди!” деб ёзди. Бу бутунлай нотўғри. Биринчидан, Муҳаммад Юсуф Олий Мажлис депутати бўлгани учун парламент аъзоларига доимий сақлаб қўйиладиган ўринда учди. Иккинчидан, Хосият опанинг қўлида чиптаси бўлгани учун унинг ўрни ҳам бўш эди. Учинчидан, Аллоҳнинг суюкли бандаларимиз, сўнгги нафасимиз қаерга муҳрланганини ёлғиз Яратган Эгамнинг Ўзигина билади. (Аллоҳнинг амри экан: буюк мусаввир Ўрол Тансиқбоев 1974 йилнинг 18 апрелида, буюк давлат арбоби Шароф Рашидов 1983 йилнинг 31 октябрида Қуйи Амударё воҳасида дорилбақога йўл олдилар) Тўртинчидан, Муҳаммад Юсуф дастлабки икки кун, икки кечада соғлигига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган нарсалар истеъмол қилгани йўқ. Буни аниқ биламан. Айниқса ҳозир шов-шувга ўч жаноблар ёзиб юрган қимрон ҳақида сўраганида ҳозирги ҳолатида унга мумкин эмаслигини айтганимда “шубот” тўла косани ўрнига қайтариб қўйган эди. Бешинчидан, ўша авария асоратидан тўлиқ халос бўлмагани учун минбарда туриб анжуман ғолиблари рўйхатини ўқиган чоғларида нафаси етмасдан йиқилди. (Бу ҳол сафарга отланишимиз арафасида Тошкентда ҳам юз берган эди). Олтинчидан, ўша кейинчалик ўз номига қўйилган академик лицей аудиториясида йиқилганида маҳаллий врач Худойберган Каримбердиев шоирнинг тилини танглайидан тортиб олиб шифохонага жўнатганидан кейин Муҳаммад Юсуф ўзига келгану касалхонадан чиқиб кетган. Анжуман ғолибларини мен эълон қилиб, уни ёпганимиздан кейин менинг уяли телефонимга устоз Тўлепберген Қаипбергенов қўнғироқ қилиб: “Биз Халилла Давлетназаров билан Бўстон шаҳрига кириб келдик. Қаерга борайлик!” деди. Мен “Ботаника боғига борингланг. Тушлик учун ўша жойга борамиз!” дедим. Борсак Тўлепберген оға машинадан тушиб, боғ биноси зинасидан юқорига кўтарилаётган экан. У ерда Тўлан ака, Тошпўлат ака ва хонанда Гулбаҳор Эрқулова турган эди. Бир пайт эшик очилиб, Муҳаммад Юсуф чиқиб келса бўладими? Аввал Тўлепберген оға билан, кейин Халилла оға билан қучоқлашиб кўришди. Аммо шу пайт аудиториядаги аҳвол қайта такрорланди. Оғам ҳушидан кетганча яна йиқилди. Яна шифохонага элтиб, Тошкентга, Назира опага қўнғироқ қилдик. Рафиқаси етиб келди. Шоир уч кеча-ю уч кундуз ажал билан олишди. Ажал кенгашиб келмас ва унинг йўли чилнинг қадамидан ҳам қисқа бўлар экан.

Орадан йиллар ўтди. Шоир таваллудининг 50, 60 йиллик саналари давлатимиз томонидан кенг миқёсда нишонланди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Андижонда шоир номида ижод мактаби очилди. Ижод мактабининг очилиши, унда давлатимиз раҳбарининг иштироки Назира опа учун чексиз ҳаяжон бахш этди. Хиёл қон босими ошибди. “Дархон” мавзеси ва Ирригация институти яқинидаги республика ихтисослаштирилган кардиология марказига кўргани борсам опанинг кайфияти баланд. “Акангизнинг руҳи шод бўлди, Янгибой. Юртга ҳам, юртнинг Эгасига ҳам беадад раҳмат!” деди. Истеъдодли адибалар Ёқут Раҳимова, Ўктамхон Холдорова келишган экан. Ёзувчилар уюшмасидан Фароғат Худойқулова ҳам кириб келди. Назира опанинг юзлари ёришди. Ахир бундай оқибатли юрт қаерда бор?

Мен Муҳаммад Юсуф туғилган уйда бир неча бор бўлганман. Ҳаётлигида ҳам, оламдан ўтганидан кейин ҳам онаизори билан суҳбатлашганман. Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз. Муҳаммад Юсуф биринчи бор Элликқалъага раҳматлик табиб Тўхтабой ака Болтабоев ҳузурига келган эди. Иккови роса чиқишиб қолдилар. Кейин мен Муҳаммад Юсуфни юзлаб километргача теп-текис, аммо ёвшан ўсган тақирларга олиб чиқдим. Тоғлик жойларда ўсган одамга бу алоҳида экзотика. Бир неча чақирим пиёда юрдик. Яйради шоир. “Ўша Абдулла акамнинг кабинетидаги сўзимни унутинг!” деди. Ана ўшанда оғам ҳали соппа-соғ эди. Қимиз ичиб бир ёшлик тўқлининг ҳилҳил пишган гўштини тўрт одам еб қўйган эдик. “Сиз Қорақалпоқ фарзанди бўлдингиз. Мен энди Андижон фарзанди бўламан!” дедим ҳазиллашиб.

Бир йигитнинг орқасидан қирқ йигит отга минади. Муҳаммад Юсуф ўз вақтида қатор сўзи ва ўзи бутун навқирон ижодкорларнинг бошини силади. Бир қанчаси бугунги адабиётимиз иқлимини белгилаб турибди. Бирисининг номини келтирсак, иккинчиси, иккинчисиникини қайд этсак, учинчиси хафа бўлиши тайин. Устознинг ҳам, сафдошлари ва шогирдларининг ҳам мағзи тўқ асарлари юксак дидли китобхонга пешма-пеш етиб бормоқда. Ҳар баҳор оғамнинг қадимий Мингтепа заминидаги, киндик қони томган Қовунчи қўрғонидаги сўнгги манзилида қизғалдоқ очилади:

Мендан нима қолар:
Икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб,
Бир уюм тупроқ.
Одамлар ортимдан
Нима деса дер,
Мен сени ўйлайман,
Ўзимдан кўпроқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ТАЪЛИМ

Ҳар бир муаммога ато қилинган кунида ечим топилади. Ниҳоят, Сурхондарёда кўзи ожиз болалар учун 180 ўринли янги ихтисослаштирилган мактаб-интернати қурилиб фойдаланишга топширилди. Ким ҳам фарзандининг камолини кўришни, бахтли бўлишини истамайди. Энг муҳими, имконияти чекланган ўқувчиларнинг касб-ҳунар ўрганиши, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишларига кафолат берувчи барча қулайликларга эга замонавий мактаб- интернатини ота-оналар анча йиллардан буён фақат орзу қилиб келишарди.

БОЛАЛАР — ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

Вилоятнинг Ангор туманида 14 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилган махсус мактаб-интернати бугунги ривожланган давр талабларига тўлиқ жавоб бера олади, десак муболаға бўлмайди. Ўқувчиларнинг таълим олиш билан бирга ўзлари ёқтирган касб сирларини ўзлаштириши учун бу даргоҳда

дурадгорлик, чилангарлик, пойабзал тузатиш, сантехника, электр жиҳозларини тузатиш, тикувчилик, зардўзлик, сартарошлик, ҳамширалик, лойиҳалаш ва дизайнерлик ишини ўргатишга ихтисослаштирилган махсус хоналарда замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилиб, зарур кўргазмали ўқув-қуроллари билан безатилган.

Эндиги масала бу ердаги тарбиячи-ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола. Мактаб- интернатида 2 та информатика, 16 та ўқув ҳамда фан хоналари энг сўнгги русумда жиҳозланган. Бундан ташқари махсус кутубхона, маданият зали, тиббиёт хонаси, спорт майдончаси, 150 ўринли ётоқхона, ошхона, сартарошхона, технологиялар хонаси ўқувчилар ихтиёрида. Бир сўз билан айтганда, бу даргоҳдан имконияти чекланган йигит ва қизлар ўрта маълумот олиш баробарида у ёки бу касбни имкон даражасида ўзлаштирган ҳолда мустақил ҳаётга йўлланма оладилар.

Сафар ОМОН,
“Hurriyat” мухбири.

УСТОЗЛАР МАКТАБИ

АЛГОРИТМ

Кўплар *“алгоритм”* деганда, асосан, компьютер технологияларинигина тушунади. Тўғри, компьютер технологияларининг асоси – алгоритм.

Лекин...

“Алгоритм”, тасаввуримда, қатъий тартиб-интизомни англатади.

Шундай деб ёздим-у, бирдан бу сўзнинг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги шарҳини кўриш фикри туғилди. Марҳамат:

“Алгоритм, алгорифм (лотинча “Algorithmi” – X асрда яшаган буюк ўзбек математиги Ал-Хоразмийнинг номидан). Маълум бир турга оид масалаларни ечишда ишлатиладиган амалларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоида (дастур). “Алгоритм эса муайян кетма-кет бажариладиган жараёнлар мажмуаси бўлиб, назарий ва амалий масалаларни ечишда ишлатилади”. Газетадан” **(Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Ж. 1. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б 69).**

Тартиб-интизом ва кетма-кетлик эса – ҳамма нарсада керак.

Навоий ҳазратлари шатранж, яъни шоҳмот доналарининг тахтада тартиб билан терилгани билан ўйин тугагач, йиғиштирилиб, бир халтага солинганини ўзаро қиёслайди. Тахтага терилганини назмга, халтага солинганини эса насрга ўхшатади.

Уйингизда нарсалар пала-партиш ётган бўлса, биринчидан, жуда хунук кўринади, иккинчидан, ўта кўп жойни эгаллайди. Агар уларни тартиб билан жойлаштирсангиз, қандай яхши бўлади.

Таниқли бир академик ижодхонасида ишлаб ўтирса, қоғоз қирқишга тўғри келиб қолибди. Қараса, қайчи йўқ эмиш-да. Шунда уйидагиларга бор овози билан бақирибди:

– *Қайчи қани, қайчи? Ўнг қўлим остида турар эди-ку доим, ахир!..*

Бор-йўқ “фожиа” шундан иборат эканки, неваралари ишлатиб, уни чап қўли тарафга қўйиб қўйишган экан...

Ана, сизга алгоритм-у, мана, сизга алгоритм!

Инсон ҳаёти ҳам – худди шундай. Умуман, умр алгоритмни яхши кўради.

Шўро даврида Сергелининг эски бозорчасида ишлаган Бухоро яҳудийларидан бўлган бир ямоқчини яхши танирдим. Устахонасига кириши билан, биринчи электр иситкичга уйидан тушлиги учун олиб келган усти ёпиқ идишини қўяр, кейин чой идишига сув тўлдириб, ичига электрқайнатгични тиқар, чойнакка қуруқ чой солиб, қопқоғини ёпиб қўяр, шу юмушларни батартиб бажарганидан кейингина иш курсисига ўтирар эди.

Тушлик маҳалига 10 –15 дақиқалар қолганда пойабзалини таъмирга олиб келиб, кутиб ўтирган мижозлардан вилкаларни разеткаларга суқиш, овқат исиганидан ёки чой қайнаганидан сўнг уларни суғуришни илтимос қилар эди. Ҳаттоки, чойни ҳам мижозлар дамлаб беришарди. Ҳаммаси тайёр бўлганидан кейингина ўрнидан туриб, қўлларини ювардию тушликка ўтирарди. Тушлик ҳам бошқалар қатори эмас эди. Унга узоғи билан 20 дақиқа кетарди. Яна ишга киришарди.

Ана, сизга алгоритм-у, мана, сизга алгоритм!

Пала-партиш тарзда ҳаёт кечирганларнинг баракаси бўлмаганини бу кўзлар кўп кўрди.

Ана энди бир саволга ҳар биримиз ўзимизча жавоб излаб кўрайлик: нега Алишер Навоий 60 йилга ҳам етмаган умри давомида одамзоднинг қўлидан келмайдиган буюкдан-буюк ишларни қилиб кетди?

Аввало, ҳаёт алгоритмига амал қилгани учун!

Бу дунёда одамдай яшамоқчи бўлган ҳар бир киши ўз умр алгоритмини излаши, топиши ва унга қатъий амал қилиши – шарт.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

ТИЛСИМ

Қалбингизни “ўқийдиган” ТЕШИКТОШ



Эл-улус орасида “Нобакор, ёлғончи ва ноҳалол кишилар тош орасидан ўта олмайди” деган қараш ҳали ҳам мавжуд.

... Офтоб нурлари кўзни қамаштириб, кун ботардаги қиррадор чўққили тоғларга етди. Фалак тоқида етилиб ғарқ пишган анор бандидан узилиб тушди-ю, арратиш чўққиларга санчилди. Анор мевасидан сизиб чиққан қип-қизил, қондек шарбат уфқни бўяди-қўйди. Бу маҳал Тешиктош бағри узоқ-яқиндан келган одамлар билан тўлди. Кўз илғамас саҳнга эга, теп-текис бағрикенг ушбу тепаликнинг шундоққина қаршисида икки юз эллик тоннача келадиган улкан харсанг тош кўзга чалинади. Қизиғи, тошни ўн яшар бола ҳам бемалол тебрата олади. Ундан наридаги водийни сон-саноқсиз антиқа тошлар водийсига бемалол менгзаш мумкин.

Водий қўним топган Нурота тоғ тизмасининг жанубий тармоқларидан бири Оқтоғ номи билан аталади. Денгиз сатҳидан роппа-роса икки минг метр баландликда жойлашган тоғнинг узунлиги етмиш, эни салкам ўн чақиримни ташкил этади.

Айниқса, жанубий ёнбағирдаги ғаройиб табиат обидаси — Сангижумон интрузив-гранит массивининг довруғи етти иқлимга етган. Унинг антиқа шакл ва кўринишдаги тошлари одамни оҳанграбодек ўзига жалб этади.

Бу масканнинг тарихи узоқ. Ушбу тоғ икки юз саксон миллион йиллар муқаддам ер қаъридан кўтарилган суюқ ва қайноқ магматик жинслардан пайдо бўлса-да, ўз вақтида ер қобиғини ёриб чиқа олмасдан тахминан икки юз эллик минг йиллар аввал маълум чуқурликда қотиб қолган деб ҳисобланади. Бошқа тахминларда эса бу ердаги жинслар бундан ўн минг йил илгари юзага чиққан, деган фикрга келинади.

Қимирловчи тошнинг жанубида яна бир баҳайбат гранит тошга дуч келдик. У узоқ ўтмишда Сангижумон (қимирлаб турувчи тош, ҳажми 75-80 куб метрга, оғирлиги 250-270 тоннага яқин ушбу харсанг шунчалик енгил тебранадики) билан туташиб, яхлит қояни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Қоялар орасида эса айланма йўллар бор. Ундан ўта туриб осмонга қарасангиз, ўзингизни ўн беш, йигирма метрлик қудуқ ичида тургандек ҳис этасиз.

“Чилдирматош”, “Қизил эгартош”, “Элчибой дўкон”, “Тегирмон тош”, “Кобра” каби турли кўринишни инсон ёдига солувчи ноёб табиат обидалари сангижумон кўркига-кўрк бағишлайди. Унинг тарихи кўҳна афсона ва ривоятларга қоришиб кетган.

... Осмонда жинқарча читтак куйлайди. Баҳор шамоли эса чечаклар бошини худди меҳрибон она мисоли оҳиста силайди. Бундайин меҳрибонликдан унинг қалбида қувонч ҳисси барқ уради. Аслида Хатирчининг тоғли Сагижумон қишлоғидаги Тешиктош сайли сайлгина эмас у зиёратгоҳ, нажот истаб келганларга умид қўрғони ҳам эди. Бу манзилга эл омонлиқ-сомонлиқ кунини нишонлаш ҳамда ҳалолликларини, тўғриликларини, ҳақгўйликларини намойиш этиш учун келишади гўё.

Йигирманчи асрнинг ўн бешинчи йилларига қадар бирор-бир одам ушбу маросимга чиқмай қолса, унинг ва хонадоннинг ҳалоллигига, тўғрилигига шубҳа пайдо бўлар, бир йил давомида рўй берган барча бахтсизликларнинг бош сабабкори у деб билинар, бу даҳшат ва фалокатдан у хонадон соҳиблари қишлоқдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлар эди. Тўғри, бугун ярамас бидъатлардан воз кечилган, бироқ эл орасида “Тешиктош” орасидан ноҳалол, нобакор, ножоиз кишилар ўта олмайди. Бунақаларни у дарҳол кўтариб уради. Фақатгина андишали кишилар, фавқулодда дилбар ва хуштаъб кишилар, саховатпеша, ҳиммати баланд, хосиятли, истеъдодли, ҳамиятли, ор-номусни барча нарсадан юқори қўядиган кишиларгина ўзига хос синов, имтиҳон, чиғирикдан оппа-осон, соғ-саломат ўтиб кетаверади” деган қараш мавжуд. Тағин тош билан боғлиқ ривоятлар эл орасида сақланиб қолган. Мана улардан бири.

... Қиш кунларининг бири эди. Деҳқон эрталаб туриб қараса, оғилхонадаги қозиққа боғланган хўкизи йўқ. Деҳқонни бир кишидан шубҳа-гумони бор эди. У ҳақида қозига маълум қилди. Қози эл-улусни бир жойга йиғади. Унинг мақсади адолатни қарор топтириш эди. Бунинг учун жабрланувчи ҳамда ўғирликда гумон қилинаётган кимса боботош остидан сирғалиб ўтиши талаб этиларди. Буни дастлаб деҳқон бошлаб беради. Албатта, у тош остидан эсон-омон ўтади. Навбат гумондаги кимсага етганида, у орқага тисарилади, кўзлари аланг-жаланг бўлганича, чўчиб кетган кўйи, тош яқинига оёғи тойиб йиқилади. Уч-тўрт давангир йигитлар уни қўлтиғидан кўтариб турғизади. Шунда у тилга кириб, “Мен гуноҳимга, айбимга тўлиқ иқрорман. Бериладиган ҳар қандай жазога тайёрман” деди-да ўғирлигини айтди-қўяди. Маълум бўлишича, ўғри тешиктошнинг “қисиб қолиши”дан қўрқиб, бу ишга юраги бетламаганди. Ўғри ниҳоят энди бу шармандаликда яшаб бўлмайди деб қишлоғидан бош олиб чиқиб кетади. Қиссадан ҳисса шуки, Тешиктош адолатни, ҳақиқатни қарор топтиришда одамларга яқин дастёр бўлиб хизмат қилган экан.

Эл одати ва удумига кўра юқоридаги пастликда шарқираб оқаётган тиниқ ва зилол сувли сойда покланиб, ялангоёқ чиқиларди муқаддас тошга. Хаёлимни, бирдан чўққи соқолли, нуроний чолнинг — ўтишни бошланг, марҳамат! — деган жарангдор овози бўлиб юборди. Шундан сўнг одамлар бирин-кетин, тизилишиб тешиктош айланасидан навбати билан ўта бошлади. Негадир то ҳанузгача тешиктошни қисиб қолиши одамни гуноҳга ботганлигига ишора деб қаралади. Ҳозир ҳам одамлар бу одатдан воз кечмаган.

Рости, улкан тош остидан ўтишга чоғланар эканман, менинг ҳам кўнглимда андеккина ҳадик-хавотир бўлганини яширмайман. Аммо тешиктош остидан ўтишни уддаладим. Шу чоғ бояги мўйсафид олдинга чиқиб, Тешиктошга яқинлашди ва унинг шундоққина пастидан жой олди. Ва “Иқболингиз баланд бўлсин, болам!” — дедида узоқ дуо қилди. Чол келувчиларни ана шундай алқайди. Бу вақтда пастликдаги кенг саҳнда тантана давом этар, қўшиқ ҳам, бахшилар айтишуви ҳам, лапарлар ҳам авжида эди. Косибларнинг, кулолларнинг бозори чаққон эди. Кўклам қуёши билан, ҳавоси эл-улусни ўзигача меҳрибонлик билан бошини силашга ошиқарди гўё.

... Ҳар баҳор эшик қоқиши билан, Сангижумондаги Тешиктош эсга тушади, этим сесканади. Қани энди нопок, қинғир ишларга қўл уриб, гуноҳга ботаётган кимсалар ўша Ҳазрат бобо тош тешиги ичидан бир-бир ўтказиб олинса-ю, ҳақиқатда нобакорлари сиқилиб қолса деганга ўхшаш ҳадик кўнглимда кечаверади. Айтганча, то ҳанузгача Тешиктош қад кериб турган Хатирчидаги Сангижумон водийси эл-улуснинг, хорижликларнинг муқаддас зиёратига айланиб улгурган.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 5 364
Буюртма — Г-450

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Топширилиш вақти — 21^{00}
Топширилди — 23^{30}

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиров Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.